Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● 1996 йил 24 июль, чоршанба ● № 58 (10.833) ● Эркин нархда сотилади

Ҳосил-96 Тезкор матбуот гуруҳи хабар беради: **Ҳосил-96**

ТЕЛЕФОНЛАР: 33-64-95, 33-70-10, 33-90-82, 39-12-93

ЯНА ТЎРТ ТУМАН МАРРАГА ЕТДИ

БЎКА

ТУМАН деҳқонлари бу йил катта хирмон учун курашдилар. Ана шу мақсадда бошоқлар донга тўлгунга қадар катта иш олиб бордилар. Суғориладиган майдонларда, айниқса, баракали ҳосил тўпланди. Ўрим-йиғим ишлари кун сайин авж олдирилди. Далада меҳнат қилаётган комбайнчилар ва ўрим-йиғимга даҳлдор одамларга яхши иш шароити яратиб бериш учун зарур тадбирлар кўрилди. Самара қувончли бўлди. Бўкаликлар ғалла топшириш режасини бажарганликларини маълум қилдилар. Давлатга 23600 тоннадан ортиқ ғалла сотилди.

Хирмонга барака киритишда комбайнчиларнинг фидойилигини алоҳида таъкидлаш керак. Мавжуд 64 та комбайннинг ҳар бири билан ўртача 6,8 гектардан ғалла ўриб олинди. Бу йил туман далаларида 3 та «Кейс» комбайни ишлади. Ҳар бири билан кунига сал кам 15 гектар майдондаги ғалла ўрилди.

«Бўстон», С. Саймоқов номли, «Ачамайли», «Паркент», Б. Умаров номли, «Қашқадарё» жамоа хўжаликлари режани биринчилардан бўлиб бажардилар.

Туманда ғалла ўрим-йиғими давом этмоқда.

ЯНГИЙЮЛ

БУ ЙИЛ ғалла етиштириш ва ўрим-йиғимни ташкил этиш юзасидан катта ташкилотчилик ишлари олиб борилди. 7 минг гектардан ортиқ майдонда мўлжалдаги ҳосил етиштирилди. Янгийўлликлар ўрим-йиғимини муваффақиятли якунлаш учун барча куч ва имкониятларни, техникаларни тўла сафарбар этдилар. Шу туфайли ҳам режа барвақт бажарилди. 13310 тоннадан ортиқ ғалла сотилди.

Туманда 40 та комбайн мавжуд эди. Бу комбайнлардан унумли фойдаланиш учун ҳаракат қилдилар. Ҳар бир комбайн билан ўртача 7,5 гектардан ғалла ўрилди.

Янгийўлликлар бу йил 1850 тонна уруғлик ғалла жамғаришлари керак. Айни кунларда бу вазифани ҳам муваффақиятли уддалаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Ғалла ўрим-йиғими конвейер усулида давом эттирилмоқда. Ҳосилдан бўшаган майдонларга кечки сабзавот ва чорва учун озуқа экинлари экиш жадал боряпти.

БЕКОБОД

ТУМАН хўжаликлари давлатга дон топшириш режасини бажариб,қабул пунктларига 22,5 минг тоннага яқин ғалла топширдилар. 14061 гектар майдоннинг ҳар бир гектаридан 24,1 центнердан ҳосил ўриб-янчиб олинди. Мавсумда ғаллазорларда 74 та комбайн ишлади. Айниқса, АҚШдан келтирилган 3 та «Кейс» комбайнлари ўримга барака киритдилар. Уларнинг ҳар бири билан кунига ўртача 17 гектардан дон ўриб-янчиб олинди.

Хўжаликларда ғалла ва сомондан бўшаган майдонлар пешма-пеш такрорий экинлар экишга тайёрланмоқда. 1050 гектар ер ҳайдаб қўйилди. Шундан 829 гектар ерга кечки экинлар экиб бўлинди. Деҳқонлар асосий майдонларга дон ва силос учун маккажўхори, 1260 гектарга сабзавот ва дуккакли экинлар экишни режалаштирганлар.

ПАРКЕНТ

ТУМАНДА 10105 гектар майдонда, шу жумладан, 2785 гектар суғориладиган ерларда ғалла етиштирилган эди. Парвариш намунали олиб борилгани сабабли ҳосил мўл бўлди. Ўрим-йиғим ташкилий жиҳатдан пухта олиб борилди. 52 та комбайннинг ҳар бири билан кунига ўртача 7 гектардан ғалла ўриб-янчиб олинди. Туман хўжаликлари куни кеча давлатга дон топшириш режасини бажардилар. Режадаги 9300 тонна ўрнига 10413 тонна юқори сифатли дон топширилди. Лалми майдонларнинг ҳар гектаридан 19 центнердан, суғориладиган ерлардан эса 32 центнердан дон янчилди. Айниқса, «Бўстон» ширкатлар уюшмаси, «Бойқозон» ва «Гулбоғ» халқ корпорацияларида ҳосилдорлик юқори бўлишига эришилди. Бу хўжаликларда суғориладиган майдонларнинг ҳар бир гектаридан 45 центнердан ошириб ғалла ўриб-янчиб олинди.

Туман хўжаликлари ўрим-йиғимни қизғин давом эттириш билан бирга бўшаган майдонларга такрорий экинлар экишни ҳам авж олдирмоқдалар. Асосий майдонларга дон ва силос учун маккажўхори, турли хил сабзавотлар экилади. Хўжаликларда шу кунгача 110 гектар ерга картошка уруғи экилди.

Ғаллазорларда ўрим-йиғим давом этяпти. Бекобод туманидаги «Деҳқонобод» жамоа хўжалигида бу иш кеча-кундуз олиб борилмоқда.

СУРАТДА: ҳосилот Курбонали Шерматов, бош ҳосилот Хидирали Алланазаров ва ижарачи Ғуломжон Суяров ғаллазорда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

● Бу ой ғўза тупларида ҳосил тўпланадиган масъулиятли давр. Шу сабабли Бўка туманидаги Барот Умаров номли жамоа хўжалигида ғўза қатор ораларига сифатли ишлов бериш қизғин давом этмоқда.

СУРАТЛАРДА: «Ислом» деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари Абдурасул Абдураззоқов ва механизатор Ғайрат Абдураззоқов ғўзаларни кўздан кечирмоқдалар. Иккинчи суратда эса деҳқон-фермер хўжалиги аъзолари ғўзаларни чилпишга киришишдан олдин ўзаро маслаҳатлашмоқдалар. Ушбу фермер хўжалиги 38 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштиришни кўзламоқда.

Х. АВВАЛОВ олган суратлар.

ҒЎЗАНИ ЧИЛПИШ БОШЛАНДИ

ЯНГИЙЮЛ туманидаги Абдулла Ортиқов номли жамоа хўжалиги 660 гектар майдонда ғўза ўстиряпти. Парваришнинг сифатли ўтказилаётгани, қатор оралари вақтида юмшатилиб, экин сув ва озиқадан зориқтирилмагани сабабли барча майдонлардаги ғўзалар кўсак туга бошлади. Ҳозир ҳар бир туп ғўзада камида 3—4 тадан кўсак бор. Хўжалик аъзолари яқинда мўл ҳосил етиштиришнинг асосий омилларидан бири — чилпиш ишларини бошлаб юбордилар.

Вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси ана шуни ҳисобга олиб Абдулла Ортиқов номли хўжаликда кўрик-семинар ўтказди. Унда вилоят туманлари деҳқончилик-саноат уюшмалари раислари ва бош ҳосилотлари, вилоят деҳқончилик -саноат уюшмаси мутахассислари қатнашдилар. Вилоят ҳокимлиги, вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси мутахассислари туманларда деҳқончилик, шу жумладан, пахтачилик соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил тўхталдилар, ғўзаларни чилпиш ва унинг аҳамияти ҳақида маслаҳатлар бердилар. Семинар қатнашчилари экинни қўлда ва механизация ёрдамида чилпиш билан амалда танишдилар.

Кўрик-семинардан сўнг вилоят деҳқончилик саноат уюшмаси раисининг биринчи муовини Турсунбой Комилов билан суҳбатлашдик.

Вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси ва унинг қуйи бўғинлари мутахассислари кўрик-семинар арафасида барча туманларда бўлиб ғўзаларни кўздан кечирдилар. Ҳозир 60 минг гектар майдондаги ғўзалар ўртача иккитадан, 40 минг гектар ерда 3-4 тадан, 2,5 минг гектар майдондаги экин эса 5-6 тадан кўсак туккан. 40 минг гектар ерда ғўзаларни чилпиш ишларини бошлаш мумкин. Бу муҳим иш табақалаштириб ўтказилади. Хўжаликларда 611 та чилпиш машиналари сифатли таъмирдан чиқарилган. Вилоятда ғўзаларни чилпиш ишларини сифатли қилиб бир ҳафта мобайнида туталлаш учун барча имкониятлардан фойдаланилади.

Раҳим ҚОДИРОВ.

Ўзбекистон — АҚШ

ҲАМКОРЛИК ОДИМЛАРИ

Пахта миллий бойлигимиз, халқимиз фаровонлигини, мамлакатимизнинг мустақиллигини, иқтисодий қудратини оширишдаги аҳамияти беқиёсдир. Унга жаҳон бозорида талаб катта.

Янгийўлдаги пахта тозалаш заводи жамоаси ҳам ўзининг кундалик фаолиятида буни алоҳида эътиборга олмоқда. Корхона раҳбарлиги бу муҳим соҳада маҳаллий мутахассислар билангина ижодий ҳамкорлик қилмаяпти, ҳориждан ҳам шериклар қидирмоқда. Айниқса, пахта етиштириш ва уни қайта ишлашда, илғор технологияларни қўлланишда яхши натижаларга эришаётган мамлакатлар пахта тозаловчилари билан амалий алоқаларни ўрнатишга интилмоқда. Бундай изланишлар самараси ёмон бўлмаяпти. Дастлабки қадамлароқ ижобий натижаларга олиб келмоқда.

Буни Америка Қўшма Штатларининг фирмалари билан йўлга қўйилаётган ва тобора кенгайиб бораётган ҳамкорлик мисолида яққол кўриш мумкин. Бу давлат «оқ олтин»ни етиштириш ва саноат асосида қайта ишлашда катта ютуқларга эришганлиги ҳаммага маълум. Янгийўлликлар улар билан муносабат ўрнатишда шуни ҳисобга олди. Жамоа вакиллари Американинг бевосита пахтачилик билан шуғулланувчи фирмалари мутахассислари билан мулоқотга киришдилар. Дастлабки алоқалар уларда ўрганишга арзигулик тажрибалар борлигини кўрсатди.

Янгийўл заводи шаҳар марказида жойлашган. Бу бирмунча ноқулайликларга сабаб бўлмоқда эди. Аввало, унинг ишлаб чиқариш чиқиндилари атроф-муҳитни ифлослантирмоқда, шаҳарнинг экологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатаяпти. Шу сабабли корхонани шаҳардан ташқарига чиқариш ва уни четроқда қуришга қарор қилинди. Ҳозирги вақтда янги заводни барпо этиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Корхона раҳбари Илҳом Қозоқбоевнинг айтишича, у республикамиз мустақиллигининг беш йиллиги арафасида ишга туширилиши лозим.

Янги корхонанинг асбоб-ускуналари ҳам, қўлланиладиган ишлаб чиқариш технологияси ҳам замонавий бўлиши керак. Олдингисига қараганда кенгроқ ва даврнинг юксак талабларига жавоб берадиган қилиб бунёд этилаётган корхонада ишлаб чиқариш жараёнларининг аксарияти машина-механизмлар зиммасида бўлади. Қўл меҳнати ниҳоятда кам сарфланади. Иш маданияти нисбатан яхши, меҳнат унумдорлиги юқори бўлади.

Ўзбекистонлик бир гуруҳ пахта тозаловчилар, шу жумладан, уларнинг таркибида Янгийўл корхонаси бош муҳандиси Б. Турсунов америкаликлар ҳузурида бўлдилар. Улар ўн кун давомида ҳамкасбларининг пахтачилик саноати билан танишдилар. Бошқа воситалар қатори пахтани даладан корхонага ташиш ишларида фойдаланиладиган техникалар мажмуи билан қизиқдилар. Бир неча техника воситаларидан таркиб топган бу мажмуа Ўзбекистон пахтачилиги шароитида ҳам жуда қўл келиши билан диққатга сазовор эди.

—Бизда пахта далада терилиб, деярли қўлда трактор тиркамаларига ортилиб, қайта ишлашга жўнатилади,—дейди корхона бош муҳандиси Беҳзод Турсунов,—бу анча оғир, сермеҳнат жараён. Америкада эса анча осонлашган. У ерда пахта терилаётган далага «оқ олтин»ни зичловчи дастгоҳ олиб келинади. Дастгоҳ ўн беш тонна пахтани зичлаб, ўзига хос бунт ҳосил қилади. Шундан кейин уни ташиш учун мослаштирилган юк қўтарувчи автомашина келади. У мосламалари ёрдамида ўн беш тонналик бунтни ўзи ортади. Автомашина кузови орқадан сурилиб пастга тушади, тойланган пахта унга ортилади, тушириб олиш ҳам тўла механизациялашган. Бу жараёнларда қўл кучи умуман ишлатилмайди, уларни биргина ҳайдовчиларнинг ўзлари бажаришади.

Янгийўл пахта тозалаш заводи раҳбарлиги бундай дастгоҳ ва маҳсус машиналарни ҳарид қилишга қарор қилди. Уларнинг тўрттаси сотиб олинди. Пахта хом ашёсини ташишга мўлжалланган автомашинасини Американинг «Харвел» фирмаси етказиб берган бўлса, пресс эса «Арма» фирмаси маҳсулотидир.

Мустақил мамлакатимиз пахтачилигида АҚШдан олиб келинган бошқа техника воситаларини ҳам ишлатиш бошланди. Ўтган йили Американинг пахта териш машиналари ва дефолиация қилишга мослашган тракторлари амалда бўлди. Улар иш унуми юқорилиги билан аж-ралиб турди.

—Ўйлаймизки, икки мамлакатнинг иқтисодиёт, шу жумладан, пахтачилик соҳасидаги амалий алоқалари бундан буён ҳам давом этади, бу йўлда қўйилган дастлабки қадамлар тобора кенгроқ тус олади,—дейди корхона раҳбари Илҳом Қозоқбоев.—Бунинг учун барча шароитлар ва имкониятлар бор. Аввало, мамлакатимизнинг мустақиллиги, жаҳон миқиёсида ортиб бораётган обрўси, тадбиркорларда ҳамкорлик қилишга интилишнинг тўхтовсиз кучаяётганлиги шунга олиб келади, албатта. Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг яқинда АҚШга қилган ташрифи, унинг бу давлат раҳбарлари, тадбиркорлари билан учрашувлари бу ҳамкорликнинг янги, янада юқорироқ поғонага кўтарилишига хизмат қилади. Биз пахтачилик ва уни қайта ишлашдаги барча янгиликлар, тўпланган тажрибалар билан ўзаро ўртоқлашишга доим тайёрмиз.

С. ҲАМИДОВ, Х. МИРЗАКАРИМОВ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

«МУНИРАХОН» ИШ БОШЛАДИ

БЎСТОНЛИҚ туманн маркази кундан-кунга обод бўлмоқда. Хусусий тадбиркорлар Ғазалкент қиёфасини ўзгартиришда, айниқса, катта саъй-ҳаракат кўрсатмоқдалар. Куни кеча ана шундай корхоналардан яна бири — «Мунирахон» хусусий фирмаси ишга туширилди.

— Аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олиб, биз ўз корхонамизни жуда қисқа муддат ичида қуриб тугалладик, — деди корхона раҳбари Тўливой Аширов. — Бизнинг корхонамиз айни пайтда ҳам миллий таомлар ошхонаси ҳамда чойхона вазифасини ўтайди.

Дастлабки кунлар бозор-ўчарга келган кишилар бизнинг хизматимиздан мамнун бўлаётганлигини кўрсатди. Устига-устак биз ёнимиздаги кўп қаватли биноларда истиқомат қилаётган, қаровчиси йўқ кишилардан тўрт нафарини оталиққа олдик. Уларни ҳар куни бепул таомлантириб турамиз.

Умаржон РАҲИМОВ.

КУЛОЛЧИЛИК ВА КИГИЗ ЦЕХЛАРИ

«АНГРЕН» ширкат жамоа хўжалигида қадимий халқ ҳунармандчилиги ишларини йўлга қўйишга эътибор бераяпти. Бу ишда жамоа раҳбари Тўлқин Тўраев жонбозлик кўрсатмоқда.

Яқинда кулолчилик цехи ёнида кигиз цехи ишга тушди. Ҳар икки цехга Зиёмиддин Мадраимов бошчилик қилмоқда. Кулолчилик цехида арзон, сифатли чойнак, лаган, пиёла, коса ва турли сервизлар тайёрланмоқда. Кигиз цехининг маҳсулоти ҳам аҳолига манзур бўляпти. Ҳозиргача 90 та кигиз тайёрланди. Келажакда цех кенгайтирилиб, ишчи ўринлари ҳам ортади. Бу ерда меҳнат қилаётганларнинг маоши ўртача 1200-1500 сўмни ташкил қилмоқда.

Теша ШЕРАЛИЕВ.

ТАЛАБАЛАР ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ

«Ўзбекистон» жамоа хўжалиги марказидаги ҳунар лицейида 400 дан зиёд талабалар ўқиб, ҳунар ўрганишмоқда. Лицейда тикувчилик, ошпазлик, электр пайвандчи, ғишт терувчи, сувоқчилик, дурадгорлик ва енгил машиналарни таъмирлаш касблари бўйича ўқишлар ташкил қилинган.

БУ йилдан бошлаб бизнесмен-ҳисобчи, менеджер, референт соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлашга киришилади.

Лицейда Жиянбек Толипов, Хожибек Шотбоев, Собир Маҳмудов, Тамара Ли, Гулбаҳор Собирова сингари тажрибали ўқитувчи ва муҳандис педагоглар талабаларга билим бериш билан бирга касб ҳунар ўргатишмоқда. Шунингдек ҳунар лицейида бадиий ҳаваскорлик, спорт тўгараклари ишлаб турипти.

Яқинда 267 ўқувчи лицейни битириб ўз касблари бўйича мустақил меҳнатга йўлланма олдилар.

Латифжон МАНСУРОВ, Юқоричирчиқ тумани.

ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИ ЧИМЁНДА

Вилоятимизнинг хушманзара жойларидаги қатор болалар оромгоҳлари бу йил ҳам Оролбўйи ўқувчи ёшларининг катта гуруҳини ўз бағрига олди.

ҲОЗИР бундай соғломлаштириш масканларида минг нафардан ортиқ қорақалпоғистонлик болалар ҳордиқ чиқармоқдалар. Улар ёзги таътилларини Амир Темур номидаги халқаро оромгоҳда, шунингдек санаторий туридаги Стрельцов номли, «Шарқ юлдузи», «Зилола», «Чоткол», «Алоқачи», «Авиатор» оромгоҳларида ўтказиб, бир йўла саломатликларини ҳам мустаҳкамламоқдалар.

Чара ПЕРЕПЕЛИЦИНА.

«ЭЛЕКТРКИМЁСАНОАТ»ГА — ТИЛЛО ГЛОБУС

ШУ ОЙНИНГ бошларида Чирчиқдаги «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасига халқаро нуфузли соврин — «Олтин глобус» берилганлиги тўғрисидаги хушхабар ҳаммани хурсанд қилган эди. Яқинда Копенгаген шаҳрида бу соврини топшириш маросимида корхона вакили — иқтисодий масалалар бўйича бош директор ўринбосари З. М. Глушчук қатнашди.

— «Олтин глобус» соврини катта обрўга эга бўлган мукофот дир, — деди З. М. Глушчук, — у Шарқ мамлакатлари дастурлари ва лойиҳалари ривожига кўмаклашувчи «Шарқ тараққиёти ташкилоти» томонидан таъсис этилган. Россия, Украина, Қозоғистон сингари МДҲ давлатлари иштирок этган танловда бизнинг корхонамиз маҳсулотлари ютиб чиққанлиги алоҳида эътиборга моликдир. Унда «Электркимёсаноат» бирлашмасида меҳнат қилаётган ҳар бир кишининг муносиб ҳиссаси бор. Маҳсулотларимизнинг халқаро миқёсда эътироф этилиши бизни янги ютуқларга чорлайди.

Абдураҳим УМАРБЕКОВ.

«Ватанни севмоқ иймондандир» танловига

ШУ ЮРТ ФАРЗАНДИ ЭДИ

ИСТИҚЛОЛ бизга шунчаки эркинлик берибгина қолмай, балки, юртимизнинг биз билмаган, эшитмаган алломалари, «қизил империя»нинг оғир йилларида она тупроғимизни тарк этишга мажбур бўлган ватандошларимиз, уларнинг ҳаёти, фаолияти ҳамда ишлари билан чуқурроқ танишишга имкон яратмоқда. Буни қаранг-ки, Янгийўл шаҳрининг Ленинградская (ҳозир Саййид Маҳмуд Тарозий) кўчасида Ислом оламида донг таратган машҳур ватандошимиз, салоҳиятли олим, таржимон, мударрис Саййид Маҳмуд Тарозийнинг зурриёти Муҳаммадхон ҳожи Маҳмудов истиқомат қилар эканлар. Яқин пайтларгача ҳамшаҳарларимиз бундан бехабар эдилар. Чунки, динимиз зуғумга учраган шўролар даврида диний алломалар ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш у ёқда турсин, улар ҳақида сўз юритиш мумкин эмас эди. Энди бундай тўсиқлар олиб ташланди. Чет юртларга бош олиб кетган бўлса-да, Туркистон маданияти, илм-фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшганлардан бири, йирик олим Саййид Маҳмуд Тарозийнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга ҳам бошқалар қатори кенг йўл очилди. Натижада унинг асарлари юртимизда чоп этила бошланди. Газеталар саҳифаларида юртдошимизнинг ҳаёти, ижоди, илмий фаолиятига оид дастлабки мақолалар босилди.

Яқинда олимнинг ўғли Муҳаммадхон ака Маҳмудов хонадонида бўлиб, отаси ҳақида суҳбатлашдик. Биз ҳам матбуот материаллари ҳамда Муҳаммадхон ака суҳбатидан олган таассуротларга таяниб, Саййид Маҳмуд Тарозийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида имкон қадар муштарийларимизни таништириш мақсадида ушбу мақолани ёзишга журъат этдик.

БЎЛАДИГАН БОЛА БОШИДАН...

Қадим Туркистоннинг Жамбул шаҳридаги Учқўрғон деган жойида илм ва тақводорлик бобида машҳур бўлган зотлар истиқомат қилганлар. 1894 йилда ана шу зотлар сулоласидан бўлган Эшонхон домла ўғил кўрди.

...»Халқимиз бўладиган бола бошидан маълум», дейди. Саййид Маҳмуд Тарозийнинг келгусида қандай зот бўлиб етишиши болалик давриданоқ намоён бўла бошлади. У илк сабоқни отаси Эшонхон домладан олди. Қисқа фурсатда Қуръони Каримни тўлиқ ёд олди. Бўлажак олимнинг туғма истеъдод эгаси эканлигини қуйидаги далиллардан ҳам билса бўларди: уни шогирдликка бериш учун домлаларга олиб боришади. Йигитчани синаб кўргач, қобилиятига қойил қолган мударрислар бу илм толибини ўқитишга заифлик қилажакларини айтиб узр сўрайдилар. Натижада уни кўзга кўринган, Туркистонда таниқли олий Шайх ибн ал-Камол Носирхон Тўра ал-Косонийга топширишади. Матбуот материалларида таъкидланишича, йигитчанинг бағоят фаҳм-фаросатлилиги, фавқулодда зийраклиги, Қуръони Карим тафсири, пайғамбар Алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларини, фиқх, адабиёт бобидаги билимларни чуқур эгаллай олишидан ҳайратланган устози унга «Олтунхон» тахаллусини берган экан. Шу-шу Саййид Маҳмуд Тарозийни кўпинча Олтунхон Тўра номи билан ҳам атаб келишган.

Саййид Маҳмуд Тарозий болалигидан ширадор овозга эга эди. Кўкалдош мадрасасида машҳур мударрислар қўлида таълим олаётган пайтларда оятларни ажойиб овозда маромига етказиб тиловат қилиши барчани ҳайратда қолдирган. Бу жойга ташриф буюриб, унинг ширадор овозини эшитган ҳар бир кишининг кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетар экан.

Саййид Маҳмуд Тарозий йирик машҳур олимлардан таълим олиб илм чўққиларини забт эта бошлайди. Кейинчалик устозлари билан мунозара қила оладиган етук алломага айланади. Араб, форс, турк тилларини мукаммал эгаллайди.

САРСОН-САРГАРДОНЛИКДА

Саййид Маҳмуд Тарозий она Туркистонда илм-маърифат, маданиятнинг ривожланишини, билимли эл фарзандларининг кўпайишини истар эди. У ана шу мақсад йўлида курашади. Уз халқини маърифатли, маданиятли қилиш йўлида куч-ғайратини аямайди. Туркистонда толиби илмларга дарс бера бошлайди.

Афсуски, алломанинг бу ердаги фаолияти узоққа чўзилмайди. Замон нотинч «қизил империя» дин аҳлларини таъқиб остига олган эди. Уша пайтда ГПУ (давлат сиёсий бошқармаси) деган ташкилот бўлиб, Саййид Маҳмуд Тарозийга ўхшаш мусулмон илмининг алломаларини ҳибсга олишаётган эди. Уша ташкилотнинг ходими унга бирон чет давлатга чиқиб кетишни маслаҳат беради.

Бу пайтда у Раҳматхон Тўранинг қизи Мавжудахонга уйланган, бир қиз кўришган, ҳадемай иккинчи фарзандларини кутишаётган эди. Саййид Маҳмуд Тарозий ҳомиладор рафиқаси ва қизини ташлаб она-юртини тарк этишдан бошқа чора тополмайди. Унинг бир неча йиллик умри сарсон-саргардонликда ўтади. 1932 йилда Афғонистон пойтахти Қобул шаҳрига келади. Илм бобида тенги йўқ бўлган бу олим чет давлатда ҳам каттагина эътибор қозонади. У Афғонистон подшосининг фармони билан маориф вазирлигида маслаҳатчи лавозимига тайинланади. Минг афсуслар бўлсинки, бу ерда ҳам ғайирлик аралашади. Туркистондан Афғонистонга қочиб ўтган Мубоширхон исмли кишининг ўз юртдоши Саййид Маҳмуд Тарозий обрўэътибори тобора ошиб бораётганлигига ҳасади келади ва олим билан подшоҳ ўртасига рахна солишга муваффақ бўлади.

Аллома Қобулни ҳам тарк этишга мажбур эди. У Ҳиндистонга равона бўлади. Бомбейга келиб, мусулмонлар маҳалласи Абдураҳмон стрит (кўчаси)да жойлашган жомъе масжитида имом хатиб бўлиб хизмат қила бошлайди. Иккинчи жаҳон уруши бошлангандан кейин Саудия Арабистонига кўчиб ўтади ва шу мамлакатда муқим туриб қолади.

МУДАРРИС, ОЛИМ, ТАРЖИМОН

Саййид Маҳмуд Тарозий Саудия Арабистони тупроғида яшади ва Афғонистон, Покистон, Ироқ, Сурия, Миср, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларни зиёрат қилди. Мусулмон олимининг йирик, кўзга кўринган олимлари билан алоқада бўлиб турди. Улар билан илмий-ижодий ҳамкорликда бўлди. Илмий изланишларини амалий фаолияти билан боғлаган ҳолда олиб борди.

У Каъбатуллоҳдаги масжиди Ҳарами Шарифда, Мадинаи мунаввадаги «Ал-масжид уннабавий аш-шариф»да мударрислик қилди. Унинг мударрислик фаолияти деярли ўттиз йил давом этади.

Саййид Маҳмуд Тарозий ўзининг қатор илмий асарлари билан йирик олим сифатида танилди. Мусулмон дунёси илму маърифатининг ривожланишига муносиб улуш қўшди. Шуниси ҳайратланарлики олим уч тилда — ўзбек, араб, форс тилларида асарлар яратди. Масалан, ўзбек тилида «Мусаддасат Маҳмудия», «Соқийнома», «Арзиҳол илмуҳожирий», араб тилида «Ан-Назм ал-Ҳовий», «Мажмуат илқасоид-ил арабия», «Ал-жавҳар-илманзум фи иснод ил-улум», форс тилида «Рубойиоти Маҳмудия» ва бошқа қатор асарларини ёзди. Бундан ташқари у урду тилида «Ар-Радд ал-Ҳасан аъла муфсидий аз заман» таснифини ҳам ёзган.

Аллома таржимончилик бобида катта ишларни амалга оширди. Мусулмонларнинг мукаддас китоби Қуръони Каримни ўзбек тилига ўгирди. У Ҳиндистон, Покистон, Саудия Арабистонида қайта-қайта нашр этилган. Машҳур 4 жилдли асар «Риёз ус-солиҳийн» («Яхшилар гулшани»)ни ҳам арабчадан ўзбекчага ўгирган. Бу асар Имом ан-Назавийнинг пайғамбар Алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларига бағишланган китоби эди.

Унинг илмий ва таржимончилик соҳасида амалга оширган муҳим ишларидан бири буюк имом ат-Термизийнинг «Аш-шамоил ан-набавийа» асарини ўзбек тилига таржимаси бўлди. Араб тилида битилган, дунё мусулмонлари орасида машҳур бўлган ушбу асар ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссаломга бағишлангандир. Имом ат-Термизийнинг 1200 йиллиги муносабати билан 1990 йилда Саййид Маҳмуд Тарозий томонидан таржима қилинган юқоридаги асар Тошкентда араб алифбосида чоп этилди.

МУҲАММАДХОН ҲОЖИ ҲИКОЯСИ

— Отам чет элга чиқиб кетганларидан кейин мен туғилган эканман. Падари бузрукворимга ғўдаклик ва болалик давримдаги тимсолимни кўриш насиб қилмаган. Тошкентдаги Эшонгузар маҳалласидаги қариндошимиз уйига келиб яшадик. 1941 йилда эса Янгийўл шаҳар марказий касалхонасида ўша пайтда Ниёзов деган киши бош шифокор эди. У бизга ёрдам қўлини чўзди. Онам касалхонада фаррош бўлиб ишлай бошлади. Менга эса Ниёзов ўзига извошчи қилиб олди. Кўп ўтмай ҳайдовчиликка ўқидим ва ўша кишининг ҳайдовчиси бўлиб ишлай бошладим. Ана шу тариқа не-не қийинчиликларни кўрдик. Худога шукр, ҳозир ахволимиз яхши. Нафақадорман. 3 ўғил, бир қизимиз бор.

Юртимизнинг мустақилликка эришиши шарофати билан отам дийдорини кўриб қолиш насиб қилганига мингдан-минг шукроналар айтаман. 1947 йилда ўрта Осиё ва Қозоғистон диния назорати бошқармаси раиси Зиёвуддин қори Бобохонов ҳажга борганларида отам билан учрашиб қоладилар. У киши қайтиб келгач, бизни суриштириб топдилар ва отам билан алоқа боғлаб, хат-хабарлашиб туришимизга ёрдам бердилар. Ниҳоят орзиқиб кутилган дамлар келди. У кишининг ёрдамлари билан Туркиянинг Адана шаҳрида падари бузрукворим билан дийдорлашмоқ насиб этди. У ерда 15 кун туриб қайтдик. Кейинчалик ҳаж сафарига борганимда яна отам, укаларим билан Саудия Арабистонида дийдор кўришдим. Отам у ерда уйланган эканлар, 13 фарзандлари бор экан.

Отам 1992 йили 98 ёшида оламдан ўтдилар. Афсуски, ўлими олдидан сўзларини эшитиш, кўз юмганларидан кейин сўнгги йўлга кузатиб қўйиш менга насиб қилмади. Бироқ, Саида опам унинг ўлими олдидан кўриб қолишга муяссар бўлди. У ҳаж сафари билан Саудия Арабистонига борганида отам касал ётган эканлар. Опам билан дийдор кўришибдилару оламдан ўтибдилар.

Отам Маҳмуд Тарозий ўз юртининг содиқ фарзанди эдилар. Чет элда бўлсаларда доим Туркистон юрти, қариндошуруғларимиз, улуғ сулоламиз ҳақида ўйлаганлар. У кишида авлодларимиз шажарасини акс эттирувчи бир китоб бўлган экан. Ана шу китобни Саудия Арабистони қиролига берибдилар. Биз Саидлар сулоласидан бўлиб, 37— ва 38-авлодга мансуб эканмиз.

БУЛОҚ КЎЗ ОЧАЯПТИ...

Яқиндагина «Камалак» нашриёти томонидан Саййид Маҳмуд Тарозий таржима қилган «Риёз ус-солиҳийн («Яхшилар гулшани») асарининг биринчи китоби чоп этилди. «Халқ сўзи» рўзномасининг 1994 йил 4 май сонида филология фанлари номзоди Убайдулла Уватов Саййид Маҳмуд Тарозийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги дастлабки маълумотлар асосида «Мударрис» номли мақолани эълон қилди. Алломанинг ўғли Муҳаммадхон акаларнинг айтишича, Саййид Маҳмуд Тарозий туғилган ўлкада Авлиё ота деган жойда Саййид Маҳмуд Тарозий музейи ташкил қилинган. Шаҳримиздаги олим ўғли истиқомат қилаётган кўчага эса Саййид Маҳмуд Тарозий номи берилди.

Нафақат Туркистон ўлкасида, Саудия Арабистонида ҳам алломанинг қилган ишлари давом эттирилаётир. Ота изидан бораётган иккинчи ўғил истеъдодли Минаввархон Тарозий муқаддас масжидлардан бири Умрада имом хатиблик қилмоқда.

...Ҳа, буюк кишиларнинг улуғ ишлари халқ орасида ҳамиша обрў-эътибор топгусидир. Юқорида амалга оширилган ишлар ҳозирча ҳамир ичидан патир, холос. Алломанинг ҳаётини, илмий ижодий меросини ўрганиш борасида катта ишлар олдинда турипти. Бошқача қилиб айтганда, булоқ энди кўз очаяпти.

Аҳмаджон РИХСИБОЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Талаба — 96

ҲАММА ИМКОНИЯТЛАР БОР

МУСТАҚИЛЛИК туфайли республикамизда рўй бераётган ўзгаришлар таълим муассасалари зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Бўлажак мутахассисларни ҳар томонлама баркамол, малакали қилиб тарбиялаш давр талаби бўлиб қолди. Шу жиҳатдан олганда бугунги кунда қатор олий ва ўрта махсус ўқув юртларида бўлганидек, Тошкент вилояти педагогика билим юртида ҳам янги 1996—1997 ўқув йилига тайёргарлик ишлари анча барвақт бошлаб юборилди.

Билим юрти қарийб 32 йил давомида Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларнинг кўпгина муассасалари учун кадрлар тайёрлаб келмоқда. Бу ерда кундузги бўлимда «Мактабгача тарбия», «Бошланғич синфларда ўқитиш», Сиртқи бўлимда «Мактабгача тарбия» мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланади.

Шуни маълум қиламанки, бу йил кундузги бўлимда «Бошланғич синфларда ўқитиш» мутахассислиги бўйича ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган гуруҳларга тўққизинчи ва ўн биринчи синфни, ўқиш қозоқ тилида олиб бориладиган гуруҳга эса ўн биринчи синфни, кундузги бўлимининг «мактабгача тарбия» мутахассислиги бўйича ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган гуруҳларга тўққизинчи ва ўн биринчи синфни, ўқиш рус тилида олиб бориладиган гуруҳга тўққизинчи синфни, ўқиш қозоқ тилида олиб бориладиган гуруҳга ўн биринчи синфни битирганлар қабул қилинадилар. Сиртқи бўлим «Мактабгача тарбия» мутахассислигининг ўзбек, рус, қозоқ гуруҳларига ўн биринчи синф маълумоти бўлган, лекин турли таълим-тарбия муассасаларида ишлаётган ёшлар қабул қилинадилар.

Билим юртимизда бўлажак мутахассисларнинг ўқиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Жумладан, иккита замонавий қўлайликларга эга бўлган 500 ўринли ётоҳхона талабалар ихтиёрида. Улар 20 та мукаммал жиҳозланган фан хоналарида билим олишади.

Республика Халқ Таълими вазирлигининг амалий ёрдами натижасида 2 та ЭҲМ (Правец) хонаси ташкил этилди. Ўқув жараёнида олимпиадаларни ўтказишда улардан фойдаланилмоқда. Билим юртимизда мутахассислар тайёрлашда 118 нафар ўқитувчи, 1 фан доктори, 12 фан номзоди, 11 олий тоифали ўқитувчи иштирок этмоқда.

Ўқувчиларни нафақат етук кадрлар балки, юртпарвар, ҳар томонлама баркамол инсон қилиб тарбиялаш бизнинг бош мақсадимиз. Билим юртида ташкил этилган турли учрашувлар, кўрик-танловлар, тўгараклар шунга хизмат қилади.

Яна шуни айтиш керакки билим юрти моддий базасини яхшилаш мақсадида «Фотима» ва «Саида» номли кичик корхоналар, Қибрай туманидаги «Қибрай», «Дўрмон» жамоа хўжаликлари билан шартномалар тузилган. Ташкилотлардан тушган маблағлар ҳисобига билим юрти ўқитувчилари ва ўқувчилари моддий рағбатлантириб борилмоқда.

Мен вилоятимиздаги, Тошкент шаҳридаги педагог бўлиш орзусида юрган ёшларни билим юртимизга бажонудил таклиф этаман.

Собир ЗИЯЕВ,
Тошкент вилояти Педагогика билим юрти директори, фалсафа фанлари номзоди, доцент.

Ўзбекистон — Жанубий Корея

КЎНГИЛ КЎНГИЛДАН СУВ ИЧАР

Ўтган шанба куни «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон—Жанубий Корея қўшма корхонасининг халқаро тақдимоти муносабати билан республикамизга ташриф буюрган кореялик меҳмонлардан 150 киши вилоятимиздаги «Политотдел» ҳиссадорлик жамиятида бўлишди.

Бу ерда уларни карнай-сурнай садолари остида вилоят ҳокими муовини Д. Жаҳонгирова, вилоят ҳокимлиги бўлимлари, бошқармалари раҳбарлари, Юқоричирчиқ туман ҳокими М. Қалқулов, «Политотдел» ҳиссадорлик жамияти раҳбари С. Хван ва бошқа кишилар самимий кутиб олдилар.

Меҳмонлар хўжаликнинг эътиборга лойиқ жойларини томоша қилишгач, маданият саройига таклиф этилдилар. Бу ерда уларни хўжалик раҳбари Станислав Хван «Политотдел»да истиқомат қилаётган 2,5 минг нафар корейс миллатига мансуб аҳоли номидан табриклади. Сўнгра «Жемчужина» бадиий дастаси ижросида концерт кўрсатилди.

Тушликда кореяликлар учун зиёфат дастурхони ёзилди. Шу куни улар Бўстонлиқ туманининг сўлим оромгоҳларида ҳам бўлдилар. «Политотдел» ҳиссадорлик жамиятидаги учрашув пайтида маҳсус муҳбиримиз кореялик бир қатор раҳбарлар, тадбиркорлар, корхоналар, фирмалар директорлари билан мулоқотда бўлиб, республикамиз, вилоятимиздан олган таассуротлари ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

КИМ СОНГ ДИН,
«ДЭУ» корпорациясининг масъул раҳбари

Мен «Политотдел»да истиқомат қилаётган корейслар турмуш тарзини кўриб беҳад қувондим. Бу, аввало, Республика Президенти Ислом Каримов раҳбарлик қилаётган Ўзбекистонда барча миллатлар учун тенг ҳуқуқ ва эрк яратилганлиги самарасидир.

Таассуротларга келганда шуни айтиш керакки, гуруҳимиз раиси бизларга ўз мамлакатимиздаёқ ўзбек халқининг ўта бағри очиклиги тўғрисида сўзлаб берган эди. Энди ўзимиз буни гувоҳи бўлдик

КИМ СЭ ЧУН,
Кук Мин Ча (халқ автомобили) фирмасининг директори

Бизга даста-даста гул тутқазган ўзбек, корейс қизларига раҳмат. «Жемчужина» бадиий дастаси ҳаммамизни мафтун этиб қўйди. Жозибали рақсларни сафимиздаги 70 нафардан кўпроқ артистлар ҳам юқори баҳолашмоқда. Улар бири олиб, бири қўйиб бу ерда ҳамма нарса гўзал экан: инсонийлик ҳам, одамларнинг ўзлари ҳам, маданият саройи ҳам, ўйин кулгилар ҳам дейишмоқда.

Энди фирмамиз иши тўғрисида. Биз қўшма корхонани зарур эҳтиёт қисмлар билан ўз вақтида таъминлаб турдик. Узилишлар бўлмади. Бундан буён ҳам ҳамкорлик давом этади. Кўнгил-кўнгилдан сув ичади, деганларидек дўстлигимиз тобора мустаҳкам бўлиб бораверади.

ЧОЙ ПЕН ФУЙ,
эҳтиёт қисмлар бўйича корпорация менеджери

Ўзбекистонда икки йил яшаб Асакадаги қўшма корхонани керакли эҳтиёт қисмлар билан таъминлашга ҳисса қўшганимдан хурсандман. Шуниси эътиборга лойиқки, асосий корхона ёнида 3 турдаги машиналар учун керакли эҳтиёт қисмлар тайёрлайдиган ёрдамчи корхоналар қурилади. Бу юртимизда иш ўрганиб қайтган ўзбекистонлик ёшлар томонидан амалга оширилади.

ЎзДЭУавто қўшма корхонаси тинчлик барқарор, халқи меҳнатсевар бўлган мамлакатда бундан буён ҳам улкан бунёдкорликлар рўёбга чиқишидан далолатдир.

Суҳбатдош Саидвали ҲАСАНОВ.

Суратларда: корпорация масъул раҳбари Ким Сонг Дин; пастда тадбиркорлар ўзаро суҳбатда.
Володя ГРАНКИН олган суратлар.

БИР ХЎЖАЛИК ЯНГИЛИКЛАРИ

26 ХОНАДОН ГАЗЛАШДИ

Ғиёс Умаров номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги Ўзбекистон маҳалласи 26 хонадонига зангори олов кириб келди. Қишлоқ оилалари бу қулайликдан мамнун бўлишди. Газлаштириш давом этмоқда.

«КОШИН»НИНГ ЖИЛВАЛИ ҒИШТЛАРИ

«Кошин» кичик корхонаси ўз фаолиятини йўлга қўйди. Хожиакбар Нурмухамедов бошқараётган олти кишилик бу кичик корхона қадимий меъморчилик анъаналарини давом эттириб, таъмирлаш ишлари учун ишлатиладиган турли хажмда рангли ғишт қопламалари ишлаб чиқармоқда.

ЧЕТ ЭЛГА ЖЎНАТИШМОҚДА

«ЖАЙХУН БАРСАК» кичик корхонасида 30 дан зиёд киши ишли бўлди. Бир вақтлари чиқинди сифатида ташлаб юборилиадиган қўй ва мол аччиқ-ичаклари эндиликда бу корхонада қайта ишланмоқда ва ҳом ашё сифатида Туркияга экспорт қилинмоқда.

Акбар УМИРОВ.
Тошкент тумани.

Шу кунинг гапи

ЧИЛЛА СУВИ ИЧСА...

дейди бободеҳқонлар такрорий экинларни экишаркан

Мамлакатимизнинг суви зар, тупроғи гавҳар, деб бежиз айтишмаган. Ёзнинг иссиқ кунлари ниҳоятда кўп ва узун. Бу заминда йилига икки-уч марта экин экиб, мўл-кўл ҳосил олиш мумкин. Фақат меҳнатдан қочмаса, экиннинг суви, озуқаси ва ишловидан вақтида хабардор бўлиб турса, бас. Қуйичирчиқ тумани деҳқончилик -саноат уюшмасининг бош ҳосилоти Абдусаттор ОМОНБОЕВ билан суҳбатимиз ана шу мавзуда борди.

— Саратон яримлади. Хўжаликларда ғалла ўрим-йиғими поёнига етяпти. Айтинг-чи, ғалладан бўшаган ерларга кечки экинлар экиш қандай боряпти?

— Туманимиз бўйича 12 минг 700 гектар майдонда ғалла етиштирилган эди. Уни деярли ўрибянчиб бўлдик. Ўн олти иш кунида давлатга 25,1 минг тонна дон сотиб, режа муддатидан илгари бажарилди. Энди навбат қолган салкам 20 минг тонна ҳосилни саранжомлаб олишга. Унинг 3300 тоннадан қўпроғи қуритиб-саралаб, уруғликка олиб қўйилди. Қолгани эса йил-ўн икки ой далада тер тўкиб, ҳалол меҳнат қилган деҳқонлар ўртасида тақсимланади. Кузга бориб ғалла учун ажратиладиган барча майдонларга ҳам арзон, ҳам ишончли уруғлик экилади.

Ҳозир эса барча ҳайдов тракторларини ғалла ва сомондан бўшаган майдонларга соляпмиз. Шу кунгача хўжаликларда 520 гектардан кўпроқ ер ҳайдалиб, такрорий экин экишга тайёрлаб қўйилди. Мутахассислар ўзаро маслаҳатлашиб, маккажўхори, сабзавот экинларини ғалладан бўшаган ерларни суғориб-юмшатиб экиш мумкин, деган хулосага келгандилар. Шунга амал қилиб, 1800 гектардан кўпроқ майдонга маъданли ва маҳаллий ўғит аралашмаси сочилиб, мириқтирилиб суғорилди. Энди бу ерларда деҳқонлар иш олиб боришяпти.

— Қандай экинлар экиляпти?

— Ҳозиргача деҳқонларнинг рўзғори учун 60 гектарга сабзавот, шунча ерга «Голландия» ва «Бельгия» навли картошка, 317 гектар ерга бошқа турли хил экинлар экилиб, 215 гектар майдонга силос ва дон учун маккажўхори уруғи қадалди. Бу ишларни қатъий режа асосида олиб боряпмиз. Шу ой охиригача кечки экин экилмаган бирор қарич ер қолмайди. Сирасини айтганда, такрорий экинлар ижарачи деҳқонларнинг рўғорига яхшигина мадад бўлади.

Куни кеча мен «Гулистон» жамоа хўжалигида бўлиб, ерни экишга тайёрлаш ва кечки экинлар экишнинг бориши билан танишдим. Хўжалик мавсумда ғалла ўримини зудлик билан олиб борди. 2983 тонна дон тайёрлаб, 1796 тоннасини давлатга сотди. Барча майдонларда ўрим-йиғим ишлари тугади. Далаларда 5 та комбайн ишлаган эди. Ҳайдов тракторларининг рули ҳам худди ўша комбайнларни бошқарган механизаторларга топширилди. Эндиликда тайёр бўлган ерларга пешма-пеш экинлар экиляпти. Хўжалик бу ишни узоғи билан 25 июлгача тугалламоқчи. Ғаллани эрта саранжомлаб олган Беруний номли, «Ўзбекистон», «Тошовул», «Ўжакент» хўжаликларида ҳам дон ва сомондан бўшаган ерларни экишга тайёрлаш ва экиш тезкорлик билан олиб бориляпти. Негаки саратоннинг ғанимат кунлари ўтиб бораётир. Халқ «Саратон -сара экиш» деб бекорга айтмаган. Тажрибали деҳқонларимиз шу ой экин экишнинг кечки, сўнгги муддати ҳисобланишини, агар ғанимат кунлардан фойдаланиб қолинмаса, иссиқ кунларда янги экилган экиннинг нозик ниҳоллари то ўзини тутиб олиб, илдиз отиб кетгунча, ҳарорат таъсирида қуриб қолиши мумкин эканлигини , шу боисдан кўкарган экинларни дастлабки кундан ҳосил билан бойитиш, «мевасини» тезроқ пиширишни тадбирларини кўриш зарурлигини яхши биладилар. Улар кундалик ишларида ана шунга амал қиляптилар.

Рафиқ ТУРСУНОВ суҳбатлашди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИДА АҲВОЛ ҚАЛАЙ?

Бозор иқтисодиёти муносабати билан болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари ишини ташкил этиш анча мураккаблашди. Лекин, келажагимиз бўлган ёшларни ёз бўйи эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Оромгоҳлар ёшларимиз учун зарур тарбия ва соғломлаштириш маскани. Шунинг учун ҳам вилоят касаба уюшмалари кенгаши мавжуд оромгоҳларнинг барчасини очиш мақсадида кўп тадбирларни амалга оширди. Корхоналар раҳбарлари билан ҳамкорлик қилинди. Ечилиши қийин бўлган масалалар юзасидан вилоят ҳокимлигига мурожаат этилди. Ҳокимият ёрдамида кўп ишлар юришиб кетди. Бу эса вилоятда 26 та оромгоҳнинг очилишига олиб келди.

Хўш, болаларни ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида аҳвол қандай? Ўғил-қизлар қандай ҳордиқ чиқаришмоқда? Шуларни билиш мақсадида қурилиш ва бинокорлик саноати ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасига қарашли бир неча оромгоҳга йўл олдик.

«Чирчиққурилиш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли Сойликдаги Н. Островский номли болаларни соғломлаштириш оромгоҳидамиз. Бу ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Мирсаид Мақсудов оромгоҳда ёшларнинг ҳордиқ чиқариши учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида гапирар экан, шундай деди:

— Оромгоҳда ҳаёт қизиган пайтда келдинглар, — деди Мирсаид ака, — тўгараклар ишлаб турибди. Оромгоҳда «Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги куни»ни ўтказишга тайёргарлик кетяпти.

Биринчи кирган хонамизда ўзбек тилини ўрганиш тўгараги иш олиб бораётган экан. Рус, корейс, қозоқ, украин ва бошқа миллатга мансуб болалар машғулотда иштирок этишяпти. Ўзбек тилида шеърлар ўқишмоқда. Тўгарак раҳбари Нафисахон Темировани саволларга тутамиз.

— Болаларда ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш катта, — деб жавоб беради у, — тўгарак ишларини аввало ўзаро ўзбекча саломлашиш, одобахлоқ, иззат-ҳурматни тушунтиришдан бошлайман. Бу ҳақда китоблардан парчалар ўқиймиз, ўзаро суҳбатлашамиз. Кичкинтойлар кўпроқ шеър ёдлашни яхши кўришади. Ўзбек тилини ўргатиш бўйича ўз услубим бор. Тўгарак аъзоларининг қизиқишларини ҳам ҳисобга оламан... «Моҳир қўллар» тўгараги машғулотида йигирма чоғли болалар қатнашаётган эди. Кимдир расм солаяпти, кимдир тахтани қуйдириб шакллар ясаяпти, кимдир рангли пенопластлардан турли буюмлар ясамоқда.

Чор-атрофга назар ташлаймиз. Ҳаммаёқ топ-тоза. Яхшилаб таъмирланган. Чўмилиш ҳавзасида мусобақа кетмоқда. Томошабинлар ғолибларни олқиш ва қийқириқлар билан қутлайдилар.

Сузиш бўйича йўриқчи, спортчи устаси Рустам Тўраев ҳар галги мусобақалардан сўнг ғолибларни шохсупага таклиф этади.

Сузиш мусобақалари тугамай бизни маданий-оммавий ўйинлар ўтказиладиган майдонга таклиф этишди. Биз бу ерга келганимизда ўйинкулги авжида эди. Турли миллат ракслари, болаларга хос ҳар хил ўйинларни томоша қилдик. Оромгоҳ санаторий тоифасида бўлганлиги учун ўндан ортиқ даволаш бўлимлари ишлаб турипти.

— Бизда даволаш хиллари кўп, — дейди болалар шифокори Насиба Абдуқодирова, — шамоллаш, юрак касалликлари, нафас қисиш, пликсит ва бошқа хил касалликларни даволаш бўйича тиббий ускуналаримиз бор. Ҳар куни 40-45 бола даволанади. Диспансер-даволаш рўйхати ҳам тузилган.

Умуман олганда, оромгоҳда болаларнинг ёзги ҳордиғини ташкил этиш юзасидан катта ишлар қилинганининг гувоҳи бўлдик. Бу йил 200 га яқин тўшак, 150 та кўрпа, 500 чойшаб, 800 та стакан, булардан ташқари кўплаб идиш-товоқлар сотиб олинди. «Тез ёрдам» машинаси бор.

— Кейинги йилларда, — дейди М. Мақсудов, — болаларни соғломлаштириш оромгоҳларини озиқ-овқат билан таъминлашда узилишлар, етишмовчиликлар содир бўларди. Бу йил ҳисобда пули бўлса, истаган озиқ-овқат маҳсулотлари доимо бор. Оромгоҳ «Чирчиқсавдо» ташкилоти ва «Келажак учун» деган хусусий ташкилотдан озиқ-овқат маҳсулотларини олади. Баъзан пул ўтказишда қисқа муддатга узилишлар ҳам бўлади. Шундай вақтда «Чирчиқсавдо» ташкилоти раҳбарлиги махсулот бермай қўяди. Пул уч-тўрт кун кеч тушса, бунинг зарари бўлмас. «Чирчиқсавдо» ташкилоти, бошқа мутасадди ташкилотлар бу мулоҳазани ҳисобга олишса, айни муддао бўларди.

Навбатда Оқсоқотага кетиш йўлида жойлашган «Крутие горьки» соғломлаштириш оромгоҳида бўлдик. Бу оромгоҳни бошқача қилиб, «Кичкина Кисловодск» дейишади. Мазкур маскан тоғ оғушида жойлашган. Оромгоҳга тоғ йўлидан кўтарилиб чиқилади. Фавворалар сув томчиларини бамисоли дурлардек атрофга таратмоқда. Ўртадаги йўлнинг икки четини чиройли ишлов берилган арчалар безаб турипти.

Оромгоҳ 165 ўринли, 11 гектар майдонга эга. Қатор тўгараклар ишлаб турипти. Бу ерда болаларни дам олдириш бўйича бой тажриба тўпланган. «Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги», «Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги»га бағишлаб қатор тадбирлар ўтказиляпти.

Оромгоҳда болаларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ҳунарга ўргатиш, Ватанни севиш, умуман, ёшларни маънавий ва жисмонан камолга етказиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу тадбирларнинг айримларини келтириб ўтамиз: «Амир Темур ким бўлган?», «Шаҳарлар тарихи», «Мусиқа бекати», «Топқирлар ва зеҳнлилар клуби», «Экология ва биз», «Сен ресжиссёрсан», «Адабиёт бекати», «Ботирлар мусобақаси» ва бошқалар. Бу ерда ҳар куни шунга ўхшаш бир тадбир ўтказилади.

Чирчиқ қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати ўз оталиғидаги бу болалар оромгоҳининг намунали фаолият кўрсатишига доим катта эътибор бермоқда.

— Бу йил комбинат оромгоҳни мавсумга тайёрлашга 80 минг сўм ажратди, — дейди корхона касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Жўра Сафоев. — Оромгоҳга нима керак бўлса, бари олиб берилди. Маъмурият билан ҳамкорликда оромгоҳнинг яхши фаолият кўрсатиши учун барча чораларни кўраяпмиз. Бир йўлланманинг баҳоси уч минг сўм туради. Ота-оналар бор-йўғи унинг ўн фоизини тўлашади. Кўп болали, моддий қийналган оилаларга йўлланма бепул берилади. Оромгоҳ жойлашган қишлоқ билан ҳамкорлик қиламиз. Ҳар навбатда қишлоқ болаларига 10-15 та йўлланма ажратилади.

Оромгоҳда фитобар ташкил этилган. Болалар табиат қўйнига саёҳатларга чиқиб туришади. Шунда шифокор, тарбиячи раҳбарлигида доривор ўсимликларни теришади. Фитобарда улардан шифобахш ичимликлар тайёрлаб берилади.

Оромгоҳларда бўлганимизда бозор иқтисодиёти туфайли юз берган қийинчиликлар чекина бошлаганлигининг гувоҳи бўлдик. Шубҳасиз, бунда келажак авлод истиқболи учун ғамхўрлик кўриниб турибди.

Будир ПЎЛАТОВ,
Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши матбуот марказининг мудири.

Назмиддин НАЖМИДДИНОВ,
Ўзбекистон телевидениесининг катта муҳаррири.

«Тошкент ҳақиқати»нинг байрамолди йўқламаси

1991 1 сентябрь 1996

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

Бўстонлиқ

КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ БУЮКЛИГИГА ИШОНАМИЗ

ОНА-ВАТАННИ озод, эмин-эркин, мустақил кўриш — ўзбек миллати вакилларининг неча-неча авлодлари қалбида энг муқаддас орзу бўлиб келди. Шукроналар бўлсинки, аждодларимизнинг армони бизнинг давримизга келиб ушалди. Зеро, шундай экан, мустақиллик тушунчаси ҳар биримизнинг зиммамизга ниҳоятда масъулиятли вазифалар юклайди. Уни асраб-авайламоқ, ҳамиша — ҳамрўз ҳимоя қилмоқ, унинг қудратини мустаҳкамламоқ ҳам фарз, ҳам қарздир.

Республикамизнинг барча минтақаларида бўлгани каби бизнинг туманимиз меҳнат аҳли ҳам мамлакатимизнинг оёққа мустаҳкам туриб олишига, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан олий даражага кўтарилишига, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишига, ялпи интеграция сари дадил боришига ўзининг муносиб улушини қўшиш учун халқ хўжалигининг барча соҳаларида астойдил тер тўкмоқда.

Беш йил тарих учун қисқа муддат. Лекин, ана шу давр ичида туманимизнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Энг катта ютуқ шунда бўлдики, одамларимизнинг дунёқараши ўзгарди, энди улар Ватанимизнинг нурафшон келажагига катта ишонч билан қарайдиган бўлиб қолдилар. Юртбошимиз айтганидек, Ўзбекистоннинг келажакда буюк давлат бўлиши учун ҳар бир ҳамюртимиз виждонан ишламоқда.

Ўтган беш йил туманимиз ҳаётида чуқур иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар йили бўлди, десак янглишмаймиз. Буни қишлоқ хўжалиги мисолида яққол кўриш мумкин. Илгари туманда 7 та жамоа хўжалиги, 7 та давлат хўжалиги мавжуд бўлган бўлса, айни пайтда жамоа хўжаликлари сони 12 тадан ошиб кетди. Шу йиллар мобайнида ташкил этилган деҳқон-фермер хўжаликлари халқ хўжалигимизга янгича мазмун олиб кирди. Уларнинг сони айни кунларда 130 тага етди. Жорий йилнинг биринчи ярмида улар 92,2 тонна гўшт, 1047 тонна сут, 9 тонна жун етказиб бердилар. Қарамоғларидаги моллар сонини оширдилар. Қорамоллар 3750 бошга, қўйлар 7712 бошга, йилқилар 710 бошга етказилди. Зироатчилик билан шуғулланадиган фермерлар ҳам ўз соҳаларида яхшигина ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Туманда қишлоқ хўжалиги тараққиёти истиқболи фермер хўжаликлари ҳаракатининг бундан кейинги ривожи билан боғлиқ эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Шу боис сўнгги йилларда бундай хўжаликларнинг «бошини қовуштириб» турувчи тизилмалар вужудга келди. Хусусан, 1995-1996 йилларнинг ўзидагина «Пском», Амир Темур номли, «Такаёнғоқ», «Боғистон», «Сижжак» сингари фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Бўстонлиқ азалдан сабзавот, мева-чева етиштирадиган худуд ҳисобланади. Туман деҳқонлари, масалан, ўтган йили 35 минг тонна сабзавот, 1,2 минг тонна картошка, 5,4 минг тонна мева, 7 минг тонна узум топширдилар. Бу йилги ишларимиз ҳам чакки эмас. Қишлоқ хўжалигидаги дастлабки довон эгалланди. Давлатга 50 тонна пилла топшириб, режа ортиғи билан уддаланди.

Мана, икки йилдирки, туманимиз деҳқонлари сал бўлмаса унутилаёзган ғаллачилик билан жиддий шуғуллана бошладилар. 80-йилларда туман давлатга 250-350 тонна атрофида ғалла топширган бўлса, жорий йилда улар 8700 тонна ғалла етиштириш учун курашмоқдалар. Бу борадаги режа ҳам яқин кунларда адо этилади. Ғаллачиликда «Сойлик», Сидқий Хондайлиқий, Амир Темур номли жамоа хўжаликлари бошқаларга намуна бўлишмоқда. Илғор жамоа ва фермер хўжаликлари ҳар гектар ердан 40-45 центнердан дон ҳосили олмоқдалар.

Туманда йил сайин 35-40 минг тонна атрофида сабзавот маҳсулотлари етиштириляпти. Бу соҳада ҳам деҳқон-фермер хўжаликлари асосий «юк»ни тортмоқдалар. «Янги овул» жамоа хўжалигидан У. Асқаров, «Сижжак»дан Н. Тиллахўжаев, «Қўшқўрғон»дан З. Юнусова кабилар сабзавотчиликни ривожлантиришда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Президентимиз Ислом Каримовнинг саноатни қишлоққа олиб кириш, қишлоқ аҳолисини табиий газ, ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги фармонларини тўлиқ бажариш юзасидан ҳам анча ишлар амалга оширилди. Мустақиллик йилларида 520 километр узунликдаги газ қувурлари, 27,1 километр узунликдаги ичимлик суви тармоқлари қурилди. Аҳолиси зич бўлган Қораманас, Қўшқўрғон, Янгиовул, Думалоқ, Хондайлиқ, Сажжарис қишлоқлари аҳолиси ўтин ва кўмир ғамлаш ташвишларидан қутулдилар.

Туманимизда саноат муҳим ўрин тутади. Корхоналарнинг аксарияти бозор иқтисодиётидан келиб чиқиб, мулк шакли ҳамда ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг турларини ўзгартирдилар. Тошга ишлов бериш комбинати, ойна заводи, маиший кимё бирлашмаси, вино-озиқ-овқат комбинати, сут заводи ва бошқалар давлат тасарруфидан чиқарилиб, ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилдилар.

Саноат соҳасидаги ислоҳотлар янгича йўлларнинг истиқболли эканлигини кўрсатди. Ўз акцияларига дивидендлар ола бошлаган ишчи-хизматчилар бу услубни кескин қўллаб-қувватладилар. Айни пайтда одамларнинг манфаатдорлиги сезиларли ошди. 19 саноат корхонаси жорий йилнинг биринчи ярмида 685,3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Эндиликда Ғазалкент мармари, консервалари, гиламлари, шароблари, печеньелари, ойнаси шуҳратини ошириш учун янада самаралироқ чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Қўшма, кичик ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш ҳам кўнгилдагидек деса бўлади. Сўнгги йилларда М. Боймирзаев номли жамоа хўжалигида мева қуритиш ҳамда вино ишлаб чиқарувчи цех ишга тушди. «Бўстонлиқ», «Сойлиқ» жамоа хўжаликларида ҳам ана шундай цехлар фаолият кўрсатмоқда. Туманимиздаги ўндан зиёд қишлоқларимизда тегирмонлар ишлаб турипти.

Беш йил мобайнида вужудга келган янги тизилмалар, хусусан, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Наврўз» жамғармалари, шунингдек, солиқ назорлиги ҳамда хотин-қизлар қўмиталарининг ташкил этилиши ҳаётимизда қатор сифат ўзгаришларига олиб келди. Юқорида айтилган корхоналар, хўжаликлар, тадбиркорлар ҳамда ҳайрия жамғармалари ҳомийлигида маданий-маиший қурилиш ишлари ҳам олиб борилди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан, жумладан, Янгиовул қишлоғида 640 ўринли мактаб, Ғазалкент шаҳрида 5492 кв.метр саҳнли уйжойлар қуриб, фойдаланишга топширилди. Кўплаб километр узунликдаги йўллар асфальтланди.

Жисмоний тарбия, спортни ривожлантириш борасида ҳам эслагулик ишларимиз бор. «Ғазалкент» футбол жамоаси биринчи лигада тўп сурмоқда. Бу жамоага ўринбосарлар етказиб бериш учун болалар футбол мактаби ташкил этишни режалаштирганмиз. Бундан ташқари, 40 нафар ўспирин-ёшларимиз турли жамоаларда ўз маҳоратларини оширмоқдалар.

Эзгу умидлар, катта ишонч билан яшамоқ инсонларга хос фазилат. Мамлакатимизда, вилоятларда, шаҳарларда, туманларда амалга оширилаётган саҳоватли ишлар ҳаммамизнинг қалбимизни тоғ қадар кўтармоқда ва давлатимизнинг истиқболига бўлган иймонимизни тобора мустаҳкамламоқда. Бўстонлиқ меҳнаткашлари нурафшон келажакни яқинлаштириш учун ўзларининг куч-ғайратларини, ақл-заковатларини аямайдилар. Юртбошимиз айтганидек, улар элим деб, юртим деб ёниб яшамоқдалар ва меҳнат қилмоқдалар. Республикамиз мустақиллигининг беш йиллиги тўйини бўстонлиқликлар барча соҳаларда муносиб ютуқлар билан кутиб олади, деб ўйлайман.

Абдуманноб АБДУВОСИҚОВ,
Бўстонлиқ тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.



МУЛКДОРЛАР СИНФИ САФИДА

БИЗНИНГ корхона маҳсулотларини республикамизда билмайдиган, ундан фойдаланмайдиган одам йўқ десак, муболаға бўлмайди. Чунки, у Марказий Осиёда сўнгги йилларгача дераза ойнаси чиқарадиган ягона завод бўлиб келди.

Лекин, кейинги йилларда, бошқа ерларда бўлгани каби, иқтисодий узилишлар бизнинг фаолиятимизга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Чунки, ойна ишлаб чиқаришда ўта тақчил ҳисобланган фенол спирти ва сода Россиядан келтириларди. Устига-устак заводимиз асбоб-ускуналари анча эскириб қолган эди. Уни қайта таъмирлаб, техникавий жиҳатдан жиҳозлаш ишлари катта маблағни талаб этди.

Мана шундай шароитда 1994 йили корхонамиз ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Мулк шаклининг ўзгариши ишчи-хизматчиларнинг ишга ва ўз меҳнати натижаларига бўлган муносабатларини тубдан ўзгартирди. Улардан 565 нафари корхона чиқарган акцияларни сотиб олдилар. Тушган маблағ эса хом ашё, техникавий жиҳозлар сотиб олишга ва бошқа зарур ҳаражатларни қоплашга сарфланди.

Янгича йўл тутиш ўз самарасини берди. Масалан, жорий йилнинг биринчи ярми якунлари буни яққол кўрсатиб турипти. Йил бошидан ҳозиргача 528 минг кв. метр дераза ойнаси, 888 минг кв.метр 2 мм.ли ойна ишлаб чиқарилди. Соф даромадимиз ўтган даврда 37 миллион 310 минг сўмни ташкил этди. Шундан 10 миллион 192 минг сўми акциядорларга дивиденд сифатида тўланади.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, моддий ва молиявий рағбатлантириш ижтимоий-маданий соҳаларга эътиборни кучайтирди. Бу мақсадларда фойдаланиш учун салкам 15 миллион сўм маблағ ажратилди. 150 ўринли соғломлаштириш маскани ва 140 ўринли болалар боғчаси қурилиши айни кунларда давом эттирилмоқда. Кўп болали ва кам таъминланган оилаларни иқтисодий муҳофаза этиш жамиятимиз диққат марказида турган асосий масалалардан биридир. Шу маънода жамоа аъзоларининг 460 нафар фарзандига бир йилда 780 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Акциядорлик жамияти бошқарувнинг замонавий усули эканини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Ишлаб чиқаришдаги ижобий натижалар барча ишчи-хизматчиларимизни янги ютуқларга илҳомлантирмоқда.

Шокир ҲОМИДОВ,
Ғазалкент ойна заводи ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси.

. Янгибозор нон заводи. У ихчам, айни пайтда шинам корхона. Бу даргоҳда элга хизмат қилаётганлар қўллари билан тайёрланган азиз неъматнинг сифати тобора яхшиланиб бормоқда. Корхонада бир кеча-кундузда 12 тонна маҳсулот тайёрланаяпти.

Суратда: (чапдан) нонвойлар Матлуба Таслимова, Санобар Хайитова, Робия Усмонова, Райҳон Аширбоеваларни кўриб турибсиз.

Юқоричирчиқ

ЙЎЛИМИЗ АНИҚ

ҲАЁТИМИЗГА янгича мазмун ва файз бахш этган унутилмас сана — республикамиз мустақиллигининг беш йиллигини муносиб нишонлашга барча ҳудудлардаги каби бизнинг туманимизда ҳам қизғин тайёргарлик бормоқда. Беш йил бир қараганда тарихан унчалик катта босқич эмас. Лекин бу йиллар иқтисодий, ижтимоий, сиёсий маънавий тараққиётимиз борасида ўзининг бунёдкорлиги, ўзгача маънобахшлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Худди шу йиллар ичида республикамизни бутун жаҳон таниди.

Президентимизнинг саъй-ҳаракати туфайли тинчлик, хотиржамлик, осойишталик барқарор топган мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузи ортди. Юртимиз билан иқтисодий, маданий ҳамкорлик қилишга интилаётган ҳорижий ҳамда ҳамдўстлик мамлакатлари сони тобора кўпайиб бораяпти.

Ўтган беш йил туманимиз аҳли учун ислоҳотларни амалга ошириш, бир қатор тармоқларда сезиларли ютуқларга эришиш йиллари сифатида ҳам эътиборга лойиқ бўлди.

Бу вақт мобайнида қишлоқ ҳаёти ўзгача қиёфага кирди. Жамоа хўжаликларида мулкчилик шаклининг ўзгариши, фермерлик ҳаракатининг жадаллашуви, чорвачилик фермаларининг хусусийлаштирилиши, қишлоққа саноатнинг кириб келиши меҳнат кишиларида ишга масъулият туйғусини кучайтирди. Деҳқон ернинг ҳақиқий эгаси бўлгач, ҳар қачонгидан ҳам ўзгачароқ куч, ғайрат билан ишлайдиган, сифат учун қайғурадиган, охирги натижани пухта ўйлайдиган бўлиб қолди. Мулк шаклини ўзгартирган «Гулистон» корпорацияси, Юқоричирчиқ деҳқон фермер хўжалиги, «Ўзбекистон» жамоа мулк хўжалиги, «Политотдел» ҳиссадорлик жамияти ва бошқа хўжаликларда сабзавот, пилла, ғалла, пахтанинг гектар бошига ўртача ҳосилдорлиги йилма-йил ошиб борди.

1991-1995 йиллар ичида туманда 97 минг тоннадан зиёд пахта, 100 минг тонна ўрнига 106 минг тонна дон, 80 минг ўрнига 83 минг тонна картошка, 85 минг ўрнига 101 минг тонна сабзавот тайёрланди.

Бу йил давлатга 16 минг 900 тоннадан зиёд дон топширилди. Гектаридан ўртача ҳосилдорлик 41 центнерни ташкил этди. Шу кунларда ғаллакорлар 32 минг 800 тонналик ғалла хирмонини яратиш учун қизғин ҳаракат қилмоқдалар.

Муваффақиятни таъминлашга фақат деҳқонларгина эмас, ҳокимликнинг барча бўлимлари, маъмурий идоралар шу ҳудуддаги автокорхоналар ҳам катта ҳисса қўшяптилар.

Шуни айиш керакки, туманимизда озуқа экинларидан баракали ҳосил олиш туфайли, чорвачилик анчагина олдинга силжиди. Ҳар бир сигирдан ўртача соғиб олинган сут миқдори 1994 йилдаги 3 минг килограмм ўрнига, ўтган йили 3300 килограммни ташкил этди. Гўшт, сут етиштиришни кўпайтиришга чорвачилик-фермер хўжаликлари ҳам муносиб ҳисса қўшяптилар. Туманда ташкил этилган 179 фермер хўжалигининг 74 таси чорвачилик бўйича ихтисослашган. Бир қатор фермер хўжаликлари ўтган йили ҳар бир сигирдан сут соғиб олишни 1994 йилдагига нисбатан 350-400 килограммга кўпайтирдилар. У. Фозилбеков, М. Ҳакимов, А. Ҳолтоев, Д. Аҳмедов каби чорвадор-фермерлар ҳар йили давлатга 5-6 тоннадан сут, 7-8 тоннадан гўшт топширмоқдалар.

Ўтган йиллар мобайнида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, кичик ва қўшма корхоналар очиш, ишчи ўринларни кўпайтириш, ҳокимликнинг диққат марказида бўлди. Уч йил мобайнида мингдан ортиқ янги ишчи ўрни ташкил этилди. Ҳозирги пайтда биргина «Бахт ЛТД» корхонасида 220 киши ишламоқда. Туманда 13 та акционерлик жамияти, 3 та қўшма корхона, 300 дан ортиқ кичик корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Мавжуд 37 та катта-кичик саноат корхоналарининг 91 фоизи янгича мулк шаклида ишламоқда.

Кейинги йиллар ичида туман аҳолисини табиий газ, ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисидаги ҳукуматимиз қарори туман хўжаликларида самарали амалга ошаётир. Табиий газ билан таъминлаш 82 фоизни, ичимлик суви билан таъминлаш 89 фоизни ташкил этди. Айниқса, республикамиз ҳукуматининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қароридан сўнг бу иш янада жадаллашди. Шу кунларда туман марказидан анча олис бўлган Жамбул қишлоғига ҳам газ етиб борди,

Биз халқ таълимини яхшилаш, ўқув тарбия самарадорлигини оширишга жиддий аҳамият беряпмиз. Бу мақсадда мавжуд мактаблар моддий базаси мустаҳкамланмоқда. Ички имкониятлардан келиб чиқиб янги ўқув масканлари қурилмоқда. Хусусан, 1995 йилда икки замонавий мактаб, бир неча боғчалар қад кўтарди. Шунингдек, айрим хорижий мамлакатлар билан соғлиқни сақлаш борасида ҳамкорлик қиляпмиз. Туман соғлиқни сақлаш ходимлари сўнгги йиллар мобайнида АҚШнинг «Силоам» фирмаси билан биргаликда «Соғлом она», «Соғлом бола» кўригини ўтказишни аньана қилиб олдилар. Деярли барча жамоа хўжаликларида истиқомат қилувчи оналар навбатма-навбат ўзлари ҳамда фарзандларини назоратдан ўтказдилар. Шифокорлар ҳорижий ҳамкасблари билан бирга беморлиги аниқланган оналар ва болаларни даволашда фаоллик кўрсатдилар.

Истиқлол йиллари ичида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласи дастуримиздаги энг асосий масалалардан бири бўлди. Кейинги уч йил мобайнида 1000 га яқин оилаларга уй-жой қуриш учун ер ажратилди. Улардан кўплари битириб олган хонадонларида ҳовли тўйларини ўтказдилар.

Кам таъминланган етим есирлар, қаровчисиз кишиларни ижтимоий ҳимоялашга туман маҳалла ҳайрия жамғармаси, туман ижтимоий таъминот бўлимидан ташқари, қатор саноат корхоналари, жамоа хўжаликлари, фермер хўжаликлари, фирмалар ҳам жалб қилинган. Улар бир қатор ҳайрли ишларни бажардилар. Ночор оилаларга мунтазам моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Икки йил мобайнида 30 дан зиёд кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилди. Уларга омонат дафтарчалари очилиб, жамғарма учун маблағ ажратилди. Маҳалла ҳайрия жамғармаси бир неча ногиронларни аравачалар билан таъминлади.

Мустақилликнинг ортда қолган йиллари қадриятларни тиклаш, аждодларимизга ҳурмат, фахрийларни эъзозлаш йиллари сифатида туман тарихида қолиши тайин. Бу вақт мобайнида биз фахрийларимизга Президентимиз томонидан таъсис этилган «Жасорат», «Шуҳрат» медалларини топшириш тадбирларини мазмунли ташкил этдик. Шунингдек, жамоа хўжаликлари, саноат корхоналари, мактаблар, ташкилотлар, муассасаларда буюк саркарда Амир Темур ва бошқа номлари барҳаёт сиймолар ҳаёт йўли, фаолияти билан боғлиқ тантаналар уюштирилди.

Беш йил ичида нимагаки эришган бўлсак, бу туманимизда иқтисодий ислоҳотларнинг изчил амалга оширилаётгани самарасидир. Шундай экан, биз бу борадаги изланишларни, ҳаракатларни янада ривожлантириб бораверамиз.

Мирзаҳўжа ҚАЛҚУЛОВ,
Юқоричирчиқ тумани ҳокими.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

• ЎТГАН давр ичида саноат корхоналарида 169 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

• ТУМАН бўйича олти ой давомида 335 хонадонга «зангори олов» киритилди.

• ТУМАНДА якка тартибда 4974 квадрат метр саҳнга эга бўлган 70 та уй-жой қурилиб, йиллик режа 107,5 фоизга бажарилди.

Фармон ва ижро

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ЧИРОЙ ОЧАДИ

МАКТАБЛАР ЗАМОНАВИЙЛАШАДИ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг маълум қарори асосида аниқ режа тузиб олдик. 2000 йилгача бўлган даврда ичида мавжуд 35 та мактабдан айримлари ёнига 450 ўринли синф хоналари қўшилади. 20 та мактаб тўлиқ таъмирланади, 4 та мактаб эса газлаштирилади.

Ўқув самарадорлигини ошириш мақсадида чуқурлаштирилган тарзда билим бериш ҳозир 31 мактабда жорий этилган бўлса, эндиликда ҳамма мактабларда жорий этилади. 2 та лицей ва бир неча гимназия синфлари очилади. Олий ўқув юртлари билан, мактаблар ҳамкорлигини йўлга қўйиш бош мақсадимиз.

Тохир НОРМАТОВ,
туман халқ таълими бўлими мудири.

ОНА САЛОМАТ, БОЛА СОҒ БЎЛСИН, ДЕБ

— Ҳудудимизда 670 ўринли даволаш масканлари бор. Кўп йилга мўлжалланган дастуримизга кўра ўринлар сони қисқариб, яъни эрталаб келиб, кечгача даво олиб кетадиган шифохоналар сони кўпайди. Шу йилнинг ўзида иккита шифокорлик пункти очилади. Улар малакали дўхтирлар билан мустаҳкамланади. 2000 йилгача мавжуд 37 та фельдшер-акушерлик пунктларини шифокорлик пунктларига айлантириш давом этади. Учта шифокорлик пункти янгидан очилади.

Туман туғурхонасида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш билан бирга боғлиқ йўналишдаги долзарб тадбирлар йилма-йил амалга оширилиб борилади. Умуман она ва бола муҳофазасига тўрт йил ичида алоҳида аҳамият берамиз.

Ҳайдар БОБОХОНОВ,
туман тиббий даволаш бирлашмасининг бош шифокори.

ХИЗМАТ ТУРЛАРИ КЎПАЯДИ

Ҳозирги пайтда туманда 300 дан кўпроқ маиший хизмат шахобчалари аҳоли ихтиёрида. 1996—2000 йилларда улар яна 30 тага кўпаяди. Шу йилнинг 6 ойи мобайнида туманда кўрсатилган сал кам 60 миллион сўмлик пулли хизматнинг 2 миллион сўми маиший хизмат тармоқларидан тушди.

Бундай қараганда бу кўрсаткич бизни қаноатлантирмайди. Зероки, юртбошимиз таъкидлаганларидек, аҳолига маиший хизмат кўрсатишни тобора яхшилаш, хизмат турларини кўпайтириш давр талаби бўлиб қолди. Шу муносабат билан энг олис қишлоқларнинг узоқ участкаларида ҳам сартарошхоналар, ҳаммом, кийимларни кимёвий йўл билан тозалаш, кир ювиш шахобчаларини ишга тушириш режамиздан ўрин олган.

Дадажон ХОЛЙИГИТОВ,
туман маиший хизмат уюшмаси раиси.

КЎРГАНДА КЎЗИМИЗ ҚУВНАЙДИ

ЎТГАН йили Янгибозор кўрғонида «Соғлом авлод учун» жамғармасининг туман бўлимига ўз ҳисобимиздан дорихона қуриб бердик. Уни очиш чоғида кексалар ҳам қатнашишди. Отахонлардан бири «Ўғил-қизларим, хайрли ишингиз учун раҳмат, кам бўлмангилар» деб дуо қилдилар. Тўғрисини айтсам, дилим яйраб кетди. Бошқа ҳамкасбларим ҳам хурсанд бўлишди. Ишимизнинг машаққатли томонлари бор, лекин икки оғиз илиқ сўз эшитганимизда ана шу қийинчиликлар унутилиб кетади. Кейинги уч йил мобайнида қувончли кунларимиз кўп бўлди. Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалигида 140 ўринли боғча, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида бир қатор кичик корхоналар, Янгибозор марказида шарқона услубда дўконлар қурдик. «Политотдел» жамоа хўжалигидаги футбол ўйингоҳини таъмирлашга муносиб ҳиссамиз қўшилди.

Кўп йиллик иш жараёнида мени қувонтирган яна бир нарса уюшмамиз қурувчиларининг аҳиллигидир. Топшириқни кўнгилдагидек бажарган бригада ёки ишчининг меҳнати, албатта, рахбаримиз Қосим Жамолиддинов томонидан рағбатлантирилади. Араббой Аристанов, Саъдулла Одилбеков, Наташа Ча, Аҳмад Тўйчиев, Фахриддин Мирзақодиров, Бахтиёр Йўлдошев, Тоҳир Орипов сингари мутахассислар, турли касб эгалари кўп бора бундай эътиборга лойиқ бўлмоқдалар.

Ишимизнинг яна қувончли томони шундаки, қураётган биноларимиз фойдаланишга топширилгач, уларни кўриб кўзимиз қувнайди. Шу кунларда ҳамкасбларимиз туман хўжаликларида, Тошкент шаҳрининг Чорсу даҳасидаги «Саломатлик» маркази қурилишида ишлаяптилар. Ҳар биримиз зиммамиздаги топшириқни ўз вақтида сифатли бажаришга ҳаракат қиляпмиз.

Арофат ҲАЙИТБОЕВА,
Тошкент вилояти жамоа хўжаликлари қурилиш ташкилотига қарашли 12-хўжаликлараро механизацилашган колонна қурувчиси, меҳнат фахрийси.

ЎЗИМИЗ – КОРХОНА ЭГАСИМИЗ

БУНДАН беш-ўн йил бурун хусусий корхоналар маҳсулот ишлаб чиқаради, деса ҳеч кимнинг ишонмаслиги турган гап эди. Ҳозир бундай жараён оддий воқеага айланиб қолди. Бу ҳам мустақиллигимиз берган катта иқтисодий мевалардан бири бўлди.

Бизнинг «Оқсоқота» хусусий корхонамиз 1993 йилнинг кузида ташкил топди. У гранит ва мармар плиталари, мармар парчаси ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. Ўшанда тасарруфимизда атиги битта тош қирқиш, битта силлиқлаш ва битта сайқаллаш дастгоҳи бор эди. Хом ашё муаммоси ҳам бизни қийнарди. Чунки, айрим рахбарларда хусусий корхоналарга ишонч йўқ эди.

Айни кунларда биз ишлаб чиқаришни яхши йўлга қўйиб олдик. Банклардан олган қарзларимиздан қутулдик. Янги цех биносини, маъмурий иншоотни қуриб, фойдаланишга топширдик. Ўзимизнинг тизилмамизга, воситаларимизга, транспортимизга эгамиз.

Ўтган йилни яхши якунладик. Кўрган соф фойдамиз — 1 миллион 120 минг сўмни ташкил этди. Амалдаги нархларда 6 миллион 168 минг сўмлик маҳсулот сотдик. Жорий йилнинг биринчи ярмидаги кўрсаткичларимиз ҳам чакки эмас. Олти ойда олган соф фойдамиз 814 минг сўм бўлди.

Корхонамизда 42 киши ишлайди. Қўнимсизлик йўқ. Бунга сабаб уларнинг меҳнат қилишлари учун ҳамма шарт-шароитлар мухайё этилганидир. Эришган натижаларимиз чегара эмас. Маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш устида ҳали кўп ишлашимиз керак. Зеро, бозор иқтисодиётининг асосий талаби ҳам мана шу.

Юрсин АБДУҲАЛИЛОВ,
«Оқсоқота» хусусий корхонаси раҳбари.

• Ойна заводининг бу цехида иш мароми шундай тез эдики, одамлар билан гаплашишнинг деярли иложи йўқ эди. Ҳатто, суратда тасвирланган ушбу илғор ишчининг исми-шарифини ҳам билолмай қолдик. Лекин, корхонада унинг ўз ўрни борлиги шубҳасиз эди.

Даврон АҲМАД сурати.

БАРКАМОЛЛИК — СОҒЛИҚҚА БОҒЛИҚ

КЕЛАЖАГИ буюк давлатни қуриш ҳар биримизнинг ҳам руҳан, ҳам жисмонан баркамол бўлишимизни тақозо этади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда туманимиздаги барча даволаш-профилактика муассасалари «Соғлом авлод учун» дастури асосида ишламоқдалар.

1995 йил июнь ойидан эътиборан ҳаётга татбиқ этилаётган мазкур тадбирларга кўра туманда ишлаётган 19 ёшдан 45 ёшгача бўлган аёллар рўйхатга олиниб, тиббий кўрикдан ўтказилди. Жойларда шифохоналарни тартибга келтириш, янгиларини қуриш бўйича ҳам амалий ишлар адо этилмоқда. Тезкор кўрикдан ўтказишлар, беморларни уйда даволаш тадбирлари яхши натижа бермоқда.

Бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олиб, пуллик хизмат турлари ҳам жорий этилди. Тиш қўйиш, эндоскопия, косметология хизматларидан аҳоли мамнун бўлмоқда.

Айни кунларда 670 ўринли касалхоналаримиз ва амбулаторияларимизда 170 нафар шифокор, 1225 нафар тиббий ҳамшира ишламоқда. Бошқача қилиб айтганда туман аҳолисининг ҳар ўн минг нафарига 13 шифокор тўғри келяпти. Бу етарли эмас. Шунинг учун бир неча йил бурун туманимиздан танланиб, пулли ўқишга юборилган йигит-қизларимиз ўзимизга қайтиб келишмоқда. Бу йил ана шундай ёш шифокорлардан олти нафари сафимизга қўшилишди. Янаги йилда эса уларнинг сони 12 тага етади. Туманимиздаги қатор корхона, ташкилот, тадбиркорлар бу ишларга ўзларининг саховатли улушларини қўшмоқдалар.

Келажак режаларимиз ҳам анчагина. Ғазалкентдаги болалар касалхонасида ташхис маркази ташкил этилади. Ҳозир ўрнатиш учун бу ерга 4,5 миллион сўмлик замонавий ускуналар олиб келинди.

Ўрмон ТЎЛАГАНОВ,
туман тиббий даволаш бирлашмаси бош шифокори.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

• ТУМАНДА «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорга мувофиқ 1996—2000 йилларда 200 километр газ, 14 километр сув қувурлари тортилади. 121 минг квадрат метр турар-жой бинолари қурилади. 30 та маиший хизмат кўрсатиш, 0,3 минг квадрат метр майдонга эга бўлган савдо объектлари, 400 ўринли умумий овкатланиш жойлари ташкил этилади.

• ШУ ЙИЛНИНГ олти ойи мобайнида туманда 8 та давлат корхонаси хусусийлаштирилди,шахсий уй-жой қуриш учун 21 та ер майдони ким ошди савдосига қўйилди. 16 та савдо, маиший хизмат объектларининг ер майдонлари мулк эгаларига сотилди.

• «Бахт ЛТД» корхонасининг пешқадам тўқувчиси Альбина Гарифзянова мураккаб дастгоҳларда ҳам ишлашни пухта ўрганиб олган. Суратда: А. Гарифзянова тўқув цехида.

Равиль ШАМСУТДИНОВ олган суратлар.

«БАҒРИНГГА ҚЎШИҚДАЙ СИНГИБ КЕТСАЙДИМ...»

«Ўзбекистон — Ватаним маним» вилоят кўрик-танловининг совриндори, ёш хонанда Умиджон ҲАЛИЛОВ билан суҳбат



— Умиджон, гапнинг очиғи, санъатда эндигина ўз йўлини топа бошлаган ёш ижрочилар орасида матбуотда чиқишга қизиқмайдигани йўқ, ҳисоби. Аммо, сизга ўхшаб: «Газета орқали кўнглимдаги баъзи фикр-мулоҳазаларни муштарийлар билан баҳам кўрсам» дея таҳририятга эшик қоқиб келадиганлари жуда кам. Марҳамат, сизни бу даргоҳга етаклаб келган дил кечинмаларингизни тинглашга бажонудил тайёрмиз...

— Раҳмат... Биласизми, менинг отам ҳам аслида журналист бўлганликлари учунми, матбуотнинг кучини ва аҳамиятини яхши тушунаман. Шу боисдан ҳам бошқа соҳалар қатори санъат оламидаги янгилик ва ўзгаришлар, камчилик ва муаммолар газета ва журналларда изчил ёритилишини истайман. Чунки, булар миллий санъатимизнинг эртанги кунини белгилашда, янги-янги истеъдодларни кашф этишда муҳим аҳамиятга эга.

Сиз ҳали ёш ижрочилар орасида матбуотда чиқишга қизиқмайдигани йўқ ҳисоби, дедингиз. Бу жуда тўғри гап! Бундоқ ўйлаб қарайдиган бўлсак, санъаткорга, айниқса, бошловчи ижодкорга нафақат истеъдод, балки, ана шу истеъдодни кўрсатиш учун тарғибот ҳам ниҳоятда зарур экан. Ахир хонанда яхши қўшиқлар яратса-ю, санъатини омма ўртасида тарғиб қилолмаса, уларни ўз вақтида радио-телевизорга ёздиролмаса, майда-чуйда ташвишларга ўралашиб, охир-оқибатда муҳлисларини йўқотиб қўйса, бағримизга шундай қобилият соҳиби келганини ким билади-ю, кетганини ким билади?!

Аслида орамизда истеъдодли қўшиқчилар жуда кўп. Узоққа бормайлик, республикада ўтаётган «Ўзбекистон — Ватаним маним» танловининг ўзиёқ халқимизнинг санъатга нисбатан эътибори ва эҳтиёжи нақадар кучлилигини кўрсатди-кўйди. Мана шу кўрик-танлов орқали юзага чиққан халқ истеъдодлари энди панада қолиб кетмаслиги керак. Яна бир гап. Янги овоз сифатида элга манзур бўлганларнинг кўпчилиги қишлоқ жойлардан. Улар турли ёш ва турли касбдаги кишилар. Бунинг устига ижодий мақсадлар билан пойтахтга келиб-кетишга ҳамма вақт ҳам имконият топа олмайдилар. Демак, келажагига умид қилса бўладиган бундай ижодкорларга биринчи навбатда маҳаллий матбуот — туман ва шаҳар газеталари, маҳаллий теле-радиоэшиттиришлари таҳририятлари ёрдам бериши керак! Лекин, афсуски, бу борада жойларда олиб борилаётган ишлар, менинг назаримда, анча сust. Шу жумладан, бизнинг Бекободда ҳам!

Агар ноўрин фикр айтаётган бўлсам, узр. Аммо, айнан мана шу мулоҳазалар мени «Тошкент ҳақиқати» газетасига етаклаб келди. Ҳар ҳолда санъатимизнинг эртанги куни ва равнақи учун ҳаммамиз бирдек жон куйдиришимиз, камчиликларни рўй-рост айтишимиз керак-ку! Доим ўйлайман, агар муаммолар бартараф этилиб, туманларнинг ўзида ҳам зарур ижодий муҳит яратилган бўлса, кўпчилик ёшлар интилаётганидек, «машҳур бўлиш учун» пойтахтга келишга ҳожат қолмайди!...

— Сиз меҳнат қилаётган Бекободдаги вилоят мусиқа билим юрти ҳам кичкина даргоҳ эмас. Ҳар йили ўнлаб малакали мутахассислар тайёрланади, истеъдодли созанда ва хонандалар устоз кўради бу ерда. Айтинг-чи, мана шу билим юртида сиз айтаётган «ижодий муҳит» қай тарзда шаклланган?

— Ёмон эмас. Билим юртимизда нафақат истеъдодли талабанинг, балки, уларга дарс бераётган ўқутувчининг ҳам ижодий муваффақияти эътибордан четда қолмайди. Жамоамизда талаба ва ўқитувчилардан иборат даста тузилган. Мен ўзим эса ижодкор дўстларимиз билан биргаликда 40 га яқин қўшиқлар тайёрладим. Лекин, бу қўшиқларни ҳозирча тарғиб қилолмаяпмиз. Маблағ масаласи қийин бўлиб турибди...

— Тушунишимча, сиз радио-телевидениега қўшиқлар ёздиришдаги қийинчиликларни назарда тутяпсиз, чоғи. Хонанда учун ўз ижодини тарғиб қилишнинг бошқа йўллари йўқ деб ўйлайсизми?

— Бор, албатта. Ана шулардан бири — тўйлар. Албатта, ёш санъаткор сифатида мени ҳам тўйларга таклиф қилиб туришади. Бораман. Лекин, биласизми, тўй деган нарсанинг хонанда ҳоҳишига бўйсунмайдиган ўз «қонун»лари бор. Мен бундай йиғиларга айнан санъат ишкибозлари эмас, турли тоифадаги кишилар тўпланишини назарда тутяпман. Кимгадир Мухриддин ёқади, кимгадир Гиёс... Уларнинг қўшиғини айтмасанг, тепангдан кетмай туриб олишади. Ўзимнинг қўшиқларим эса асосан классик йўлда. Ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган бундай санъат дурдоналарини, айниқса, анъанавий қўшиқларни жони-дилим билан айтаман ва ўрганаман. Тўйларга эса элдан ажралмаслик учун бориб тураман. Лекин, ўзим кутаётган ижодий омадни тўйхонадан қидираётганим йўқ...

— Умиджон, сиз аслида Тожикистонда туғилиб-ўсгансиз. Лекин, «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловида қатнашишга қарор қилганингизнинг боиси нимада?

— Мен, аввало, ўзбек фарзандиман. Ота-буваларимнинг тақдир-қисмати ҳам бу суюкли юрт билан боғлиқ. Мусиқа мутахассислиги бўйича дастлабки маълумотни Хўжанддаги мусиқа билим юртида олганман. Сўнгра Тошкент давлат консерваториясида анъанавий қўшиқчилик бўйича махсус таҳсил кўрдим. Уни битиргач, 1992 йилдан буён Бекободда, вилоят мусиқа билим юртида дарс бераяпман.

Мен шу ерда яшаб, элнинг яхши-ёмон кунларига шерик эканманми, демак — Ўзбекистон менинг ҳам Ватаним! Яхши ният билан кўрик-танловга Дилмурод Ҳожимуродов шеъри, Комил Бобожонов куйи билан «Ўзбекистон — онажоним» қўшиғини тайёрлаган эдим. Омадим чопиб, фахрли иккинчи ўринни қўлга киритдим. Бир қўшиқ экан-ку, мен бундай элпарвар, меҳнаткаш ва мағрур юрт учун умримнинг охиригача куйлаб ўтишга тайёрман...

— Ана шу вилоят кўрик-танловида сизга яна кимларнинг ижоди кўпроқ маъқул бўлди?

— Танловда иштирок этган деярли барча қўшиқчиларнинг ижодида ўзига яраша ўрганадиган ва тан берадиган жиҳатлар бор. Ишқилиб, ҳамма ҳам ўз иқтидорини кўрсатишга ҳаракат қилди. Биринчи ўринни қўлга киритган Бахтиёр Умировга эса менинг чин дилдан ҳавасим келди. Бор-йўғи 11 яшарлик бу боланинг санъати ёшига нисбатан юқорироқ экан. Вилоятимиздан чиққан бундай истеъдодни асрашимиз, тарбиялашимиз керак. Мен унга республика кўрик-танловида ҳам фақат омад тилайман.

— Ниятларингиз?

— Қўлида маблағи бор корхоналар, жойлардаги ҳокимликлар, маданият муассасалари истеъдодли ёшларга кўпроқ ғамхўрлик кўрсатсалар. Тўй, тараққа-турқ билан уларнинг умри ўтиб кетмасин. Жиддийроқ ижод қилиш учун, халқимизнинг гўзал миллий санъатини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиш учун шароит яратилса... Мен доим мана шуларни ният қиламан. Санъатга эътибор билан қарайдиган раҳбарларни кўрганимда эса дил-дилимдан қувонаман. Севимли газетамиз орқали барча муҳлисларга яна шуни айтаманки, биз барчамиз шу муқаддас Ватан бағрига чиройли қўшиқлар каби сингиб кетайлик, токи ундан бизни ҳеч ким ажратолмасин!..

Зарифа ЭРАЛИЕВА.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги

СОҲИБҚИРОН ВА АЛИШЕР НАВОИЙ

Қўшлик борлиқнинг умумий қонуниятларидан. Қўшлик қонунияти ўзбек-турк давлатчилиги ва маънавиятининг улуғ даҳолари Амир Темур ва Мир Алишер Навоийга нисбатан ҳам нақди қойимдир. Қўшлик, одатда, ҳам зиддиятни, ҳам мутаносибликни қамрайди. Амир Темур ва Алишер Навоий, бири иккинчисига пойдевор бўлган, иккинчиси биринчисининг маънавий илдизини мустаҳкам этган муносиб қўшликдир.

Алишер Навоийни Амир Темурга менгзаш, қай бир жиҳати билан тенг қўйиш аввал ҳазратнинг ўзига, сўнг буюк жаҳонгирнинг чеваси, ҳам улуғ подшоҳ, ҳам истеъдодли шоир бўлмиш Султон Ҳусайн Байқарога бориб тақалади. Бу менгзаш маҳражида «соҳибқирон» сўзи ва унвони туради. Соҳибқирон — Амир Темурнинг хос лақаби. Илми нужумда икки шарофатли сайёра, Зуҳра ва Муштарий ўз ҳаракатида бир-бирига яқинлашган ҳолат «қирон буржи» деб аталиб, у бахт-саодат аломати ҳисобланган. Соҳибқирон мазкур икки сайёра бир-бирига яқинлашган пайтда туғилган бахтиёр подшоҳ демакдир.

Алишер Навоий ижодининг бош ҳаракатлантирувчи кучи туркона миллий ғурур дейиш мумкин. Она туркийдаги адабиётни улуғ адабиётлар қаторига олиб чиқиш худо ёрлақаган шоирнинг муқаддас вазифаси бўлган. Бу ишда у тақдирнинг хайрихоҳ қўлини сезган ва ҳис этган. «Ҳамса»нинг сўнгги достони «Садди Искандарий»да шоирнинг қалб кечинмалари, ҳасби ҳолига оид шундай мумтоз ўринлар бор:

«Юрагимдан умидсизлик хаёли кетмай, бу ишни («Ҳамса» яратишни — С. М) қилишдан ноумидлик иллати пайдо бўлиб юрган чоғда қулоғимга ёқимли бир овоз (хуруш) эшитилди:

Сенга турк ақолимин айлаб рақам,
Азалда насиб айламиш яққалам.
Насиб этти айлаб сени марзбон,
Синони қалам бирла тиғи забон.
Ки мулк аро қаҳрамон бўлғасен,
Улус ичра соҳибқирон бўлғасен».

«Ғойибдан букуч-қудрат етгач, ёзиш майли менда яна кучайди. Тақдирдан бундай илиқ илтифотни кўргач, «Ҳамса»ни ёзиш учун қаламимни йўндим», — дейди Мир Алишер.

Султон Ҳусайн Байқаро эса ўзининг улуғ замондошлари Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийга бағишлаб ёзган «Рисола» асарида жумладан, дейди: «Бу кун назм арқонининг рубъи маскунида қаҳрамон ул турур ва бу мамолик фатҳига соҳибқирон ани десалар бўлур.

Эрур сўз мулкининг кишварситони,
Қаю кишварситон, хисравнишони,
Дема хисравнишонким, қаҳрамони,
Эрур гар чин десанг, соҳибқирони».

Бу ғоят катта баҳо бўлиб, ҳазратнинг эътиборидан четда қолмайди. «Муҳокаматул луғотайин»да, жумладан, «соҳибқиронлик лақаби била сарафроз қилибдурлар», —дея қайд этади. Ҳар сўзнинг ўз тоши ва эгаси бўлганидек, соҳибқиронлик дунёнинг қоим ҳолатига ўзгартиш киритишдек улуғ ишга қодир ва ноил бўлган Амир Темурга муносиб эди. Улуғ бу лақаб Мир Алишерга ҳам муносиб кўрилди.

Бу муқоясанинг бутун мазмуни Навоийнинг ўзига ҳам, унинг замондошларига ҳам равшан эди. Асрлар ўтиши билан муқояса дамюзага чиқиб, дам пастга тушиб турди, аммо, ҳеч қачон йўқликка юз тутмади, зеро, унинг тоқида туркий оламнинг икки даҳоси-давлатчилик ва маънавият даҳолари турарди. Турон-Туркистон, хусусан, Ўзбекистон миллий истиқлолга эришгач, бу икки даҳо — қўш қоя узвий бирликда ўзбек туркий улусининг МИЛЛИЙ, МАЪНАВИЙ ТИРГАГИГА айландилар.

Сувон МЕЛИЕВ,
филология фанлари номзоди.

ЁМБИЛАР СИРИ

Табиат ғаройиботлари

ҚИММАТБАҲО метал ёмбилари қадимдан маълум бўлиб, асосан давлат мулки ҳисоблаб келинади. Уларни топган ёки топиб олган кишилар давлат ҳазинасига топширишлари шарт. Ёмбиларнинг катта-кичиклиги, оғирлиги ва кўриниши турлича бўлиши мумкин. Инсоният тарихида оғирлиги жихатдан ўн килограммдан ортиқ бўлган олтин ёмбилари (таркибида кўпинча кумуш, мис, темир ва бошқалар бўлади) сони ўн минг донага яқинлашиб қолади. Оғирлиги 36 килограмм бўлган олтин ёмбиси Ўрол конларида топилган. Шу ердан 20 килограммлиги ҳам топиб олинган. Косой Брод қўрғонида 14 килограммлиги, Колюшинский конидан эса уч жойдан оғирлиги 130 килограммга тенг, Иркутск вилоятидаги Бодойбо конидан, 22,6 килограммлиги, Артемовское конидан эса бир неча дона ўн килограмм атрофидагилари ажратиб олинган. Колима конидан асримизнинг эллигинчи йилларида 14 килограммлик «От калласи» ва бир килограммлик «Олтин туя»лар топилган.

Австралиядан топилган 48 килограммлик «Стофунктовик Керра», 68,2 килограммлик «Қутилган ёмби», 69,9 килограммлик «Кутилмаган нотаниш» ва 93,7 килограммлик «Хортерманплита»лар фан учун, музейлар ва келажак авлод учун сақлаб қолиниши мақсадга мувофиқ бўлишига қарамай, эритиб юборилди. Бразилияда учта ёмби топилдики, буларнинг оғирлиги биргаликда салкам бир центнерни ташкил этди. Саксонинчи йиллар охирида биз Ўрта ер денгизидан ўтиб бораётганимизда Кипрда оғирлиги саккиз килограммлик олтин ёмбиси топилганлигини эшитиб, ҳайрон қолгандик.

Энг муҳими ва қизиғи шундаки, бундай катта олтин ёмбиларни нефть қудуғидан топиб олишади. Бу ажойиб ходиса ҳамон олимлар диққатини ўзига тортади. Аммо, улар буни тушунтириб беришга ожизлик қилмоқдалар. Олтин қидирувчилар музликлар мамлакати ҳисобланмиш Гренландияда ҳам олтин ёмбилари бор деб таҳмин қилмоқдалар.

Кумуш ёмбилар доимо озроқ миқдорда олтин, мис, сурма, қўрғошин ва металларни аралашма сифатида сақлайди. Рус олими М. В. Ломоносов ўз даврида Минералогия палатасида 7 фунт оғирликдаги кумуш ёмбиси борлиги ҳақида хабар берганди.

Табиий кумуш ёмбиларининг жуда катта оғирликдаги намуналарини Америка қитъасидаги Онтарио кўли атрофларидан топишган. Шулардан бири хозирги вақтда Канаданинг парламент биносида сақланадики, унинг оғирлиги 612 килограммни ташкил этади. Мазкур кўлда дунёга машҳур ва маълум бўлган «кумуш тротуар» номини олган жуда катта тош топилганки, унинг узунлиги 30 метр, ерга ботган чуқурлиги эса 18 метрни ташкил қилади. Мана шу кўл атрофидаги конлардан ҳозиргача 20 тоннадан ортиқ кумуш ишлаб чиқарилганлиги ҳабар қилинади.

Платина асосан ёмби ҳолда ёки сочилган кўринишда учрайди. Унинг конлари саноқли жойлардагина мавжуд. Дастлабки платина Жанубий Америкада топилганлиги маълум. Платинанинг энг тоза ёмбиси Бразилияда топилган бўлиб, озроқ миқдорда платиноидларни сақлаган эди. Платина метеоритларда ҳам учрайди. Масалан бир тонна метеоритда 100 граммча ана шу қимматбаҳо металлдан бўлиши мумкинлиги аниқланган. Ҳаммаси бўлиб оғирлиги бир килограммдан ортиқроқ платина ёмбилари 200 дона атрофида топилган. Энг каттаси 9,63 килограммдир.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, қимматбаҳо металлар ёмбилари унчалик кўп тарқалмаган. Зеро уларни топиш ҳам амри маҳолдир. Ёмбилар халқ мулки, халқ бойлигидир. Шунинг учун ҳам у давлат муҳофазасида, эъзозидадир.

Қудрат АҲМЕДОВ,
кимёгар.

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИ ЖАҲОН ЎЙИНГОҲЛАРИДА

БУГУН Атлантада ўтаётган ёзги XXVI олимпия ўйинларининг 6-иш куни. Спортнинг 24 тури бўйича мусобақалар давом эттирилади. 197 мамлакатдан келган 10 мингдан зиёд қатнашчиларнинг орасида мустақил Ўзбекистоннинг 76 вакили ҳам бор.

● Олимпиаданинг дзюдо тури мусобақаларида 86 килограммгача вазнилар бахсида қатнашган вакилимиз Армен Бағдасаров жамоамизга дастлабки медални олиб берди. У 5 марта ғалабага эришиб, финалда жаҳон чемпиони жанубий Кореялик Йой Ки Йонга ютказиб иккинчи ўринни олди ва кумуш медал соҳиби бўлди.

● Бокс муҳлисларига шуни қувонч билан маълум қиламизки, Наримон Отаев, Улуғбек Иброҳимов ва Дилшод Ёрбеков дастлабки ғалабаларни қўлга киритдилар. Наримон Отаев кениялик боксчини 16:10 ҳисобида мағлуб этди. 57 килограммгача вазнда қатнашаётган Улуғбек Иброҳимов монголиялик рақибини, 75 килограммгача вазнда иштирок этаётган Дилшод Ёрбеков даниялик боксчини мағлубиятга учратдилар.

● Юнон-рум кураши турида Ватанимиз спорт шарафини ҳимоя қилаётган Григорий Пуляев уч довондан ошди. У канадалик рақибини 12:0, Болгария вакилини 2:0 ва АҚШлик полвонни 4:0 ҳисобда мағлубиятга учратиб, навбатдаги босқичга чиқди.

● Оғир атлетикачилар бахсида 54 килограммгача вазнда қатнашган Виктор Янский 242,5 килограммлик натижа билан умумий 14 ўринни эгаллади.

Олимпиада арафасида Ўзбекистон спортчилари спортнинг бир қатор турлари бўйича жаҳон ўйингоҳларида ўтказилган биринчилик ва халқаро турнирларида қатнашиб, шахсий ҳисобда ҳам, жамоа ҳисобида ҳам мукофотли ўринларни қўлга киритдилар. Қуйида мамлакатимиз спортчилари эришган ютуқлар ҳақида хабар берамиз.

ХАЛҚАРО ТУРНИРДАН ОЛИМПИАДАГА

БУГУН вилоятимиз вакили қибрайлик Жамолиддин Абдужабборов Атлантага қараб йўл олади. У Ўзбекистон спортчилари сафига қўшилиб, велопойгада мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади. Бир қатор халқаро турнирларда муваффақиятли қатнашган Жамолиддин Абдужабборовнинг бироз кечикишининг боиси у «Тур-де-Франц» велопойгасида иштирок этди. 22 босқичдан иборат бу нуфузли халқаро турнирда Жамолиддин бир неча бор маррага ғолиблар сафида етиб келди.

ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИ СОВРИНДОРЛАРИ

КИКБОКСИНГНИНГ фристайл-фул-контакт деб номланган тури бўйича Прагада ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон вакиллари умумжамоа ҳисобида 3-мукофотли ўринга сазовор бўлдилар.

Вазн тоифасида Акмал Зокиров 1-ўринни эгаллаб, жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Бахтиёр Исроилов эса қумуш медалга сазовор бўлди. Баҳром Абдуллаев тўртинчи, Рустам Абдуллаев бешинчи ўринни эгаллади.

10 ТА МЕДАЛ БИЛАН ҚАЙТИШДИ

ЁШЛАР ўртасида таэквандо бўйича Прагада ниҳоясига етган жаҳон биринчилигида ватандошларимиз 40 та мамлакатдан келган 300 дан зиёд якка кураш усталари иштирокида ўтказилган бахсда 10 та медал соҳиби бўлишди ва жамоа ҳисобида учинчи мукофотли ўринни олишди.

САЛОМАТЛИК УЧУН ШАРБАТ ИЧИНГ

Шарбатлар тотли ва фойдали. Улар чанқоқни босади ва иштаҳани очади. Лекин, биз мевалар, сабзавотлар, зиравор мевалар шарбатлари саломатлик учун фойдали эканлигини доим ҳам эсда сақлаймизми? Тан олишимиз керак, кўпинча бир стакан шарбатни шунчалик чанқовни босиш учун ичамиз. Аслида у қатор ички касалликларни даволашнинг анча самарали усулларидан бири бўлиб, шарбаттерапия деб ҳам юритилади.

Мевалар шарбатини қўллашнинг бир қанча маслаҳатларини таклиф этамиз.

ШАФТОЛИ ШАРБАТИ

Юракнинг уриш тартиби бузилганда, камқонликда, кислота миқдори пасайиши билан гастритларда, қабзиятда ичилади. Шарбатни овқатланишдан 15-20 дақиқа илгари чорак стакандан ичилади.

Аллергия ҳолатида, қанд диабетида, семизликда, уни ичиш тавсия этилмайди.

ЛИМОН ШАРБАТИ

Лимон ўз таркибида маъданли тузлар, С дармондориси, лимон кислотаси кўплиги туфайли танамиз учун фойдалидир. унинг яна бир муҳим хусусияти бор — у ҳам бўлса антимикроб ва антисептик таъсири ниҳоятда кучлилигидадир.

Лимон шарбати атерсклероз, ошқозон-ичак йўли касалликларида, модда алмашуви бўлганда, бавосилда, иситма кўтарилган ҳолатларда ичилади. Уни 0,5 стакан сувга 0,5 лимон шарбати қўшиб кунига икки мартадан ичиш мумкин.

Лимон шарбати ангина касаллиги вақтида томоқни чайиш, оғиз ва томоқ шиллиқ пардалари шамоллаб оғриганда ишлатилади. Бунинг учун 1:1 нисбатида қайнаган сув билан аралаштирилади. Тери замбуруғли касалланишга чалинганда шарбат сурки сифатида ишлатилади.

У янги сабзавотлардан туз солмай тайёрланган салатларга қўшилади.

ОЛМА ШАРБАТИ

Олма шарбатида дармондориларнинг беш тури ва саккизта маъданли моддалар, калий, магний тузлари, фосфор, темир бўлади. Уни болаларга ғўдаклигидан ичириш тавсия қилинади. Бироқ овқат ҳазм қилишнинг кескин бузилишига сабаб бўлмаслик учун, олма шарбатини сабзи шарбати билан аралаштирмаслик керак. Болаларга уни овқатдан кейин бериш лозим.

Олма шарбатини ошқозон шарбати паст кислоталиги билан гастрит билан оғриган беморларга тавсия этиш мумкин. Шунингдек, у юрак-қон томири тизими касалликлари билан оғриган кишиларга, камқонликда тавсия этилади.

БИРИНЧИ ТАБАҚА:

ТАНАФФУС АРАФАСИДА

МАМЛАКАТ биринчилиги биринчи табақаси вакиллари ҳам бир ойлик танаффусга чиқишди. Вилоятимиз вакиллари ўртасида Бекободнинг «Металлург» жамоаси яхши ўйин кўрсатиб, 44 очко билан турнир жадвалида тўртинчи ўринни эгаллаб турипти. Бу жамоа аъзолари навбатдаги турда Нукусда «Орол» меҳмони бўлиб 1:0 ҳисобида ғалабага эришдилар. Ягона тўпни А. Ловцев киритди.

Маълумки «Бўкалик» футболчилари бу йил биринчи табақада илк бор тўп сурмоқдалар. Сўнгги турда «Бўкалик» якка пешқадамлик қилаётган Тошкентнинг «Чилонзор» жамоасини қабул қилди. Майдон эгалари биринчи бўлимда ташаббусни қўлларига олиб, тўла устунлик қилишди ва Ш. Сулаймонов билан Ф. Мусаевлар тошкентликлар дарвозасига иккита тўп киритишди. Бироқ иккинчи бўлимда «Чилонзор» ўйинда бурилиш ясай олди ва ҳисобни тенглаштириб, мағлубиятдан қутилиб қолди. Мухлисларда жуда яхши таассурот қолдирган бу ўйин 2:2 ҳисобида дурранг бўлиб тугади.

24-турда Қибрайнинг «Роҳат» жамоаси сафарда «Шўртон» меҳмони бўлди. Ўйинда ҳисоб очилмади. «Ғазалкент» «Тегирмончи»га, «Кимёгар» эса «Динамо-Насаф»га бир хил 0:3 ҳисобида ютказишди.

Биринчи табақа жамоаларининг XXIV турдан кейинги жадвалдаги аҳволи қуйидагича:

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Чилонзор»	22	17	4	1	42-14	55
2. «Зарафшон»	23	17	3	3	45-16	54
3. «Шаҳрихон»	23	15	2	6	44-17	47
4. «Металлург»	23	14	2	7	31-20	44
5. «Навбаҳор-2»	23	13	5	5	51-24	44
6. «Прогресс»	23	13	5	5	47-28	44
7. «Темирйўлчи»	23	13	5	5	37-18	44
8. «Тўқимачи»	23	13	4	6	52-31	43
9. «Динамо-Насаф»	23	13	3	7	33-26	42
10. «Боғдод»	23	12	4	7	38-27	40
11. «Роҳат»	24	10	6	8	45-40	36
12. «Олтинкўл»	23	10	5	8	38-34	35
13. «Истиқлол»	23	10	4	9	30-25	34
14. «Ситора»	23	10	4	9	36-40	34
15. «Гулистон»	23	9	4	10	37-33	31
16. «Кимёгар»	24	8	3	13	26-34	27
17. «Бўкалик»	22	7	5	10	24-35	26
18. «Ғазалкент»	24	7	4	13	20-36	25
19. «Гиламчи»	23	7	4	12	16-33	25
20. «Зафар»	23	7	3	13	24-40	24
21. «Тегирмончи»	23	6	6	11	32-45	24
22. «Норин»	23	6	3	14	39-50	21
23. «Орол»	23	6	3	14	18-39	21
24. «Шўртон»	23	5	5	13	23-39	20
25. «Ёшлик»	23	4	3	16	22-46	15
26. «Ҳисор»	23	4	3	16	28-56	15
27. «Диёр»	23	2	4	17	22-54	10

ЭЪЛОНЛАР

Ташкилот пул ўтказиш йўли билан уч тезликли «NIKO» Вентиляторларини 1600 сўмдан сотади.
Тел: 33-99-15, 36-53-54.

Тошкент шаҳар Сирғали тумани солиқ инспекцияси томонидан Ғуломов Шуҳрат Боситхонович номига миллий таомлар тайёрлаб сотиш учун берилган 020465 рақамли йўқолган қайд гувоҳномаси
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар А. Икромов туманидаги 75-мактаб томонидан Муҳитдин Лутпидинович Алавидинов номига 1996 йил 20 июнда берилган UZK №045981 рақамли асосий маълумоти тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги туфайли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги А. Икромов номли 102-ўрта мактаб томонидан Мажидова Ҳабиба Ваҳидовна номига берилган 983723 рақамли йўқолган
АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Чиноз туманидаги Омонгелди номли 4-ўрта мактаб томонидан Шеримбекова Алия Серикбоевна номига берилган АО 031077 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги йўқолган
АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0366. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 8553 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5 6